



ИШОНЧ

46

1992 йил
16—22 ноябрь
(85)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

ХАТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ

АГРОСАНОАТ мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Андижон вилояти қўмитасининг бўлиб ўтган пленумида меҳнатқашларнинг хат ва шикоятлари тақдирини муҳокама қилинди. Маърузаларда таъкидланишича, шу йилнинг ўтган ойлари давомида қўмига келган 108 аризанинг 98 таси ижобий хат қилинган бўлса-да, бундан хотиржам бўлишга ўрин йўқ. Чунки район ва шаҳар ҳамда бошланғич қасаба ташкилотларида меҳнатқашлар хатлари билан изчил шугулланиш бобида камчиликлар йўқ эмас. Кейинги махсус назорат натижаси шунини кўрсатдики, Олтинкўл, Бўз, Хўжаобод районларида ариза ва шикоятлар тақдирини доқайд муносабатлар бўлган.

Пленум бу ҳақда батафсил тўхталди. Мазкур уч район қасаба уюшмаси раислари (Л. Арабов, А. Абдурашулов, М. Абдуллаев)га қаттиқ хайфсан бериш ҳақида бирлашма раёсатига мурожаат қилинди. Шунингдек, пленум иштирокчилари «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг ходимлар томонидан қай даражада ўрганилаётгани, бу борадаги энг зарур йўл-йўриқлар ҳақида ҳам маслаҳатлашиб олдилар.

Пленум пахта йиғим-терими мавсумида пахтакорларга ижтимоий, маданий ва маиший шароитларни яхшилаш тадбирлари масаласини ҳам кўриб чиқди. Мавсум якуни бўйича пахтакорларнинг тақдирлаш учун турли санаторий ва дам олиш масканларига 182 та бепул йўлланма ажратиш, энг яхши намуна кўрсатган пахтакорларга эса вилоят қасаба уюшмасининг Шароф Рашидов номидаги мукофотини таъсис этиш ҳақида ҳам қарор қилинди.

Замира РЎЗИЕВА,
«Ишонч» мухбири.

ПЕШКУДАГИ УЧРАШУВЛАР

БУХОРО вилояти пахтакорлари эришган зафар маррасида Пешку райони меҳнатқашларининг ҳам ўзига хос улушлари бор. Район хўжаликлари давлатга 33 минг тоннадан ортиқ хомашё етказиб бердилар. Ҳосилдорлик гектар бошига 35 центнерни ташкил этди.

Зафар қучилган кунлари Бухорога ташир буюрган Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи муовини Т. Х. Собитов пешкуликлар ҳузурига келди. У райондаги «Дўстлик», Йўлдош Эргашев, Ибн Сино номидаги, «Пешку» хўжаликларининг раҳбарлари, теримчилари, механик хайдовчилари билан учрашди. Учрашувларда пахтакорларнинг моддий рағбатлантириш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш каби энг муҳим масалалар ҳусусида суҳбатлар бўлди. Бепоен даладардаги сўнгги мисколлар терилаётгани пайтида қасаба уюшмаси ташкилотлари ташаббуси қўлга олишлари зарурлиги алоҳида уқдириб ўтилди.

«Ишонч» мухбири.



— Ҳорманг, пахтакорлар! — дейди Оккўрғон районидаги Акмал Икромов номли жамоа хўжалиги қасаба уюшмаси қўмитаси раиси Абдувоид Юнусов. — Хирмонингиз баракали, даромадингиз мўмай бўлсин.

ДАВРОН АҲМАД суратга олган.



Иши яхшининг — вақти чоғ бўлади, дейдилар. 142-районлараро механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бригадир Муродилла Нейматов Наманган шаҳридаги «Нуробод» мавзеси қурилишида иштирок этиб, аҳоли учун қатор-қатор уйлар бунёд бўлишига ҳисса қўшаётганидан хурсанд.

Х. СОЛИХОВ суратга олган.

Хабарлар мағзи



● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислам Каримов Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари пахтакорларига, механизаторларига, кишлоқ ва сув хўжалиги мутахассисларига, барча меҳнатқашларига республикада биринчи бўлиб пахта топшириш йиллик режаларини бажарганликлари муносабати билан санимий кутлов йўллади.

● **РЕСПУБЛИКА** Адлия вазирлигида «Маҳалла» хайрия жамғармаси рўйхатдан ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг биринчи ўринбосари М. Абдусаломов республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ш. Темуrowга 276-сонли гувоҳномани топширди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Фармонига биноан Навоий вилояти ҳокими А. Айдаркулов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги билан мукофотланди.

● **МОВАРОУННАХР** мусулмонлари идораси олий хайъати аъзолари ва масжид имомлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга халқимиз бирдамлиги, тинчлик, осойишталик ва барча яхшиликлар йўлида қўлларидан келган хизматларни сидқидилдан адо этишга тайёр эканликларини изҳор этиб мактуб йўлладилар.

● **ИСРОИЛ** давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги фавкулда ва мухтор элчисини этиб тайинланган Мей-Оми мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

МИННАТДОРМИЗ

1993 йил учун «Ишонч» газетасига обуна бўлиш жойларда кизгин давом этмоқда. Вилоят марказлари, район ва кишлоқ хўжалик жамоаларидаги фаол ташаббускорларнинг олийҳиммат кўрсатишлари натижасида бу иш муваффақият билан олиб борилаётганлиги ҳақида газетамизга хабарлар келиб турибди. Самарқанд вилояти, Каттакўрғон район «матбаа уюшмаси» ҳисобчисининг

хабар беришича, биргина Орзи Маҳмудов номли жамоа хўжалигида сўнгги ҳафта ичи бир юз ўттиз беш киши «Ишонч»га обуна бўлган. Жамоа хўжалигининг ўзи эса тўрт пухсага ээланган. Бу муборақ ишнинг амалга оширишда алоҳида ташаббус кўрсатган жамоа ёшлар иттифоқи қўмитасининг котибаси Раъно Беркиновага тахририятимиз жамоаси номидан лутфан миннатдорлик изҳор этамиз.

ОБУНА — 93

БЕПУЛ ОБУНА

«ТОШКЕНТ» мебель йжара ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти билан қасаба уюшмаси қўмитаси Улуғ Ватан уруши қатнашчиларидан 32 кишини «Ишонч»га бепул обуна қилдилар. Мебелсозлардан 15 киши эса газетасига яқка тартибда обуна бўлдилар.

«ИШОНЧ» мухбири.



ФУҚАРОЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон Республикаси Президенти «1992 йил 1 октябрдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидеги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» 1992 йил 8 октябрда чиқарган Фар-

монига мувофиқ иш ҳақининг солиқ олинмайдиган энг кам миқдори оширилиши муносабати билан Узбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ва-

зирлар Маҳкамасининг 1992 йил 1 октябрдан бошлаб, «Узбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қо-

нунига тузатишлар киритилгунга қадар фуқаролардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини қуйидаги миқдорларда жорий этиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин:

Солиқ солинадиган йиллик даромад миқдори (солиқ олинмайдиган энг кам миқдор — 24000 сўм чегирилган ҳолда)	Солиқ солинадиган ойлик миқдори (солиқ олинмайдиган энг кам миқдор — 2000 сўм чегирилган ҳолда)	Солиқ миқдори	Солиқ миқдори
72000 сўмгача	6000 сўмгача	Даромад миқдорининг 12 фоизи	720 сўм + 6000 сўмдан ортиқ пулнинг 15 фоизи
72001 сўмдан 96000 сўмгача	6001 сўмдан 8000 сўмгача	8640 сўм + 72000 сўмдан ортиқ пулнинг 15 фоизи	720 сўм + 6000 сўмдан ортиқ пулнинг 15 фоизи
96001 сўмдан 120000 сўмгача	8001 сўмдан 10000 сўмгача	12240 сўм + 96000 сўмдан ортиқ пулнинг 20 фоизи	1020 сўм + 8000 сўмдан ортиқ пулнинг 20 фоизи
120001 сўмдан 180000 сўмгача	10001 сўмдан 15000 сўмгача	17040 сўм + 120000 сўмдан ортиқ пулнинг 30 фоизи	1420 сўм + 10000 сўмдан ортиқ пулнинг 30 фоизи
180001 сўмдан 240000 сўмгача	15001 сўмдан 20000 сўмгача	35040 сўм + 180000 сўмдан ортиқ пулнинг 40 фоизи	2920 сўм + 15000 сўмдан ортиқ пулнинг 40 фоизи
240001 сўм ва ундан ортиқ	20001 сўм ва ундан ортиқ	59040 сўм + 240000 сўмдан ортиқ пулнинг 50 фоизи	4920 сўм + 20000 сўмдан ортиқ пулнинг 50 фоизи

2. Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ўн кунлик муддат ичида Узбекистон

Республикаси Олий Кенгашига «Узбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаро-

ролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги

Узбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги Қонун лойиҳасини тақдим этсин.

Узбекистон Республикаси

Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЯУЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 ноябрь.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ «УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФУҚАРОЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ ҲАҚИДАГИ ТАКЛИФИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА

ШАРҲ

Узбекистонга четдан келтириладиган ёнилғи-энергетика ресурслари қимматлаштириш муносабати билан ва республика аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдинги олиш чораларини таъминлаш мақсадида Узбекистон Республика-

си Президенти «1992 йил 1 октябрдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидеги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» Фармон қабул қилган эди. Фармонга мувофиқ фуқароларнинг солиқ

олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 2000 сўм миқдоридан белгиланган, 8 минг сўмгача бўлган иш ҳақидан олинадиган даромад солиғининг энг кам миқдори (12%) белгиланган. Шу муносабат билан Вазирлар

Маҳкамаси ойига 8 минг сўмдан ошадиган иш ҳақида қуйидаги миқдорларда табақалаштирилган тарзда солиқ солиш тўғрисида таклиф киритди:

Солиқ солинадиган ойлик даромад миқдори (солиқ олинмайдиган энг кам миқдор чегирилган ҳолда)

Солиқ миқдори

6000 сўмгача
6001 сўмдан 8 минг сўмгача
8001 сўмдан 10000 сўмгача
10001 сўмдан 15000 сўмгача
15001 сўмдан 20000 сўмгача
20001 сўм ва ундан ортиқ

даромад миқдорининг 12 фоизи 720+6000 сўмдан ортиқ пулнинг 15 фоизи
1020 сўм + 8000 сўмдан ортиқ пулнинг 20 фоизи
1420 сўм + 10000 сўмдан ортиқ пулнинг 30 фоизи
2920 сўм + 15000 сўмдан ортиқ пулнинг 40 фоизи
4920 сўм + 20000 сўмдан ортиқ пулнинг 50 фоизи

Масалан: фуқарога октябрда 9000 сўм иш ҳақи ёзилган. Даромад солиғи қуйидаги тартибда ҳисоблаб чиқилади:

1) $9000 - 2000 = 7000$ сўм.

2) $720 + 150 (1000 \times 15\%) = 870$ сўм

Демак, 9000 сўм иш ҳақидан олинадиган даромад солиғи 870 сўмни ташкил этади.

Айни чоғда, жорий йилнинг сентябрь ойида амалда бўлган даромад солиғи ставкалари жадвалига ва солиқ олинмайдиган энг кам миқдор 1250 сўмга кўра, иш ҳақидан олинадиган солиқ миқдори 1680 сўмни ташкил этган, бу қуйидаги ҳисоб-китобдан кўриниши:

1) $9000 - 1250 = 7750$ сўм
2) $480 (4000 \times 12\%) + 200 (1000 \times 20\%) + 300 (1000 \times 30\%) + 700 (1750 \times 40\%) = 1680$ сўм

Шундай қилиб, 1992 йил 1 октябрдан бошлаб амалда қўлланилаётган ставкалар жадвалига мувофиқ 9000 сўм иш ҳақидан олинадиган со-

лиқ миқдори фуқаролар фойдасига деярли икки баравар (48,2 фоиз) камаяди.

Солиқ суммаси таклиф этилаётган жадвал бўйича жорий йилнинг сентябрь ойида амалда қўлланилган жадвалга биноан ҳисоблаб чиқарилган солиққа нисбатан камайиши фуқаролар оладиган даромад миқдорига қараб 20 фоиздан 60 фоизгача бўлади.

Уриндошлик бўйича ишлатилган фуқаролардан олинадиган даромад солиғи миқдорини ҳисоблаб чиқаришда даромад солиғи юқорида кўрсатилган ставкалар бўйича солиқ олинмайдиган энг

кам даража қўлланилмасдан ҳисоблаб чиқилади ва ушлаб қолинади.

Узбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 25 августдаги VII-458 рақамли фармонига мувофиқ шу йилнинг сентябрь ойида даромад солиғи миқдорини ҳисоблашда қўлланилган солиқ олинмайдиган энг кам даража ойига 1250 сўм эди, Бунда даромад солиғининг 12 фоизли энг кам мевъри ойига 5250 сўмгача бўлган иш ҳақидан, ёки солиқ олинадиган 4000 сўм даромаддан (5250—1250) белгиланган эди, 4000 сўмдан ортиқ солиқ

солинадиган даромаддан олинадиган солиқ «Узбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги ва «Қорхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги, «Узбекистон Республикаси қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1992 йил 2 июлдаги Узбекистон Республикаси Қонуни билан қабул қилинган ставкалар бўйича ҳисобланади.

ОРОМГОҲЛАР БАҒРИДА

БУНДАН роппа-роса уч йил муқаддам деҳқончилик-саноати мажмуи ходимлари вилоят тармоқ касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан Ромитан, Қоракўл ва Пешку районларида болаларнинг дам олиш оромгоҳлари ташкил этилган эди. Энди кузги дам олиш оромгоҳлари бунёд бўлди. Ҳўш, нима учун шундай қилинди, деб сўрарсиз.

Ҳаммамизга маълумки, ҳозир пишиқчилик, йиғим-терим мавсумидир. Ана шундай долзарб кезларда кишлоқ деҳқонларининг қўли-қўлига тегмай қолади. Бундай пайтда юқори синф ўқувчилари ота-оналарига кўмаклаша, мактабгача ёшдаги болажонлар эса болалар боғчаларида бўлади. Эндигина мактаб остонаси сари қадам қўйган 1 синф ўқувчилари эса дарсдан сўнг қаровсиз қўлишадими?! Айнан шу жажжи ўғил-қизларни вақтида овқатлантириб, улар ўртасида машғулотлар ўтказиб, овунтириб, ҳордиқ олишларини ташкил этиш мақсадида ана шундай оромгоҳлар ташкил этилган.

Ромитан районидаги «Боғи туркон» ижара ҳўжалиги тасаруфидаги «Дўстлик» ва «Ромитан», «Оромижон» болалар ёзги оромгоҳларида ташкил этилган «Оромижон» кузги оромгоҳининг бугунги ибратли ишларидан ота-оналар мамнун.

Оромгоҳда болажонларнинг яхши дам олишлари учун барча шароит мавжуд. Мактабдаги дарслар тугаши билан ўқитувчилари етакчилигида тўғри оромгоҳга келадилар. Иссиққина, мазали таомлар уларни кутиб туради. Сўнг чиройли, саришта хоналарга кириб, дам оладилар. Уйқудан сўнг дарс тайёрлаш, спорт машғулотлари бошланади. Кечки овқатдан кейин эса уйларига қайтишади.

Соғломлаштириш оромгоҳи иссиқ овқатдан ташқари сут маҳсулотлари, тухум, сариеғ, товۇқ гўшти, пишлоқ, кондитер маҳсулотлари билан таъминланган бўлиб, ҳар бир бола учун ўрта ҳисобда 30 сўм сарфланади.

Болакайлар билан қилган суҳбатимизда ҳам улар ўзлари учун кўрсатилган га мхўрликлар тўғрисида қувона-қувона гапириб беришди. Оромгоҳ ошпазлари Азимжон Тошев, Шомурод Ярашев, мураббий ва тарбиячилар Тўра Норов, Тўхта Тоғаева, Сайёра Ҳақбердиева, Ширин Холиқовалар, тиббиёт ҳамшираси Шарофат Бафоевалар ўз вазифаларини сидқидил бажариб келаятганликларини эшитиш ҳам қувонарли.

Бундай хайрли ишларнинг ташкилотчиси ва ташаббускори деҳқончилик-саноати мажмуи ходимлари вилоят тармоқ касаба уюшмаси қўмитаси бўлиб, соғломлаштириш оромгоҳлари учун зарур бўлган маблағ шу қўмитанинг давлат ижтимоий сўғуртаси ҳисобидан харж қилинмоқда.

Валижон ҚУЧҚОРОВ,
Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг муовини.

— Тоҳир Назирович! Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ҳамма соҳада бўлгани каби алоқачилар ҳам маълум қийинчиликларга дуч келганликлари аён. Ана шу — сизларнинг тармоқда рўй бераётган жараёнлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Касаба уюшмаси 70 мингга яқин алоқа ходимларини ўз сафига бишлаштирган. Самарканд, Андижон, Наманган, Фарғона, Бухоро, Қашқар, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмаси кўмитаси, қолган яна олти вилоятда биришган касаба уюшмаси кўмитаси ташкил этилган. Бошқа тармоқ касаба уюшмаларидан фарқлиқ бизнинг соҳада 75 фоиздан зиёд бошланғич ташкилотларда уларнинг раислари асосий ишдан озод бўлган ҳолда иш юритадилар.

Бундан ташқари, алоқа шахобчаларининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Айниқса хат-хабар ташувчилар, электр тармоқлари монтажлари доимий суратда қийинчиликлар, ноқулайликларга дуч келадилар. Чунки

масалаларига алоҳида эътибор берилган. Масалан, вазирлик алоқа ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақини ҳукумат томонидан белгиланган энг кам миқдордаги ойликка нисбатан икки баравар ошириш тadbирларини рўёбга чиқаришни ўз зиммасига олган. Шу асосда иш олиб боришга 1991 йилдан бошлаб киришдик. Чет мамлакатлардаги ҳамкасбларимиз асосан битим, шартномалар асосида иш юритадилар ва бу борада жуда катта тажрибага эгадилар.

— Тоҳир Назирович! Сиз кейинги бир-икки йил ичида кўпгина мамлакатларда — Бельгияда, Ҳиндистонда, Буюк Британияда бўлиб қайтибсиз. Албатта, бу сафарларингиз оддий сайру саёҳат бўлмасдан, балки ўзаро тажриба алмашиш, ўрганиш, қиёсий таҳлил этиш вазиятида кечганлигини эшитдик. Айниқса, Буюк Британияда бўлган кезларингиз ишингиз самарали кечганлигини билдик. Касаба уюшмалари ўртасида тобора изчил йўлга қўйилаётган ана шундай алоқалар-



Маълум талабларни корхона маъмурияти олдига қўйган касаба уюшмаси ўз аъзоларининг ана шундай бирдамлигини афзал кўрган ва ўзининг дастлабки талабларига тахрир киритишга мажбур бўлган. Биз бундай ҳамкорлик, биродарлик, бирдамлик муносабатларига фақат хавас қиламиз, холос.

Яна баъзи бир масалаларга тўхталиб ўтишни истардим. Бельгияда, Буюк Британияда, Ҳиндистонда касаба уюшмалари асосан уч йўналишда фаолият кўрсатадилар. Буларнинг энг асосийлари: ойлик маошларни муттасил ошириб бориш, иш жойларида қулай шароитлар яратилишига эришиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш. Буларнинг барчаси маъмурият билан касаба уюшмаси ўртасида тузилган битимда ва шартномаларда ўз аксини топади.

Яна энг муҳими касаба уюшмаларининг аъзолари бадалларидан фойдаланиш масаласидир. Биз таширф буюрган ҳар уччала мамлакатда аъзолик бадаллари марказлаштирилган. Масалан, Буюк Британияда йиғилган маблағнинг 26 фоизи касаба уюшмалари бошланғич ташкилотларига тақсимлаб берилди, қолган қисми эса асосан ташкилий ишларга сарфланади. Ўз-ўзидан равшанки, бундай чоратadbирлар ҳам иқтисодий, ҳам маънавий самарасини бермай қолмайди. Бизда эса, кўп ҳолларда бунинг бутунлай тескараси рўй беради. Йирикрок, зарур тadbир ўтказаман десангиз, ҳаминша маблағ масаласини ўйлаб бошингиз қотади. Айтмоқчиманки, биз бу масалаларда ҳам чет элларда орттирилган бой тажрибалардан фойдаланишимиз, фойдалана билишимиз лозим.

Яна бир мисол келтирмакчиман: Бельгияда, Буюк Британияда касаба уюшмалари бошланғич ташкилотларининг раисларига ойлик маош хўжалик ҳисобидан тўланади ва шунинг учун ҳам касаба уюшмаси фаолияти билан шуғулланиш учун имконият яратиб берилган. Бизда эса касаба уюшмаси раислари аъзолик бадали ҳисобига ишлайдилар.

Бельгиядан қайтиб келганимиздан сўнг ана шу тажрибани қўллашга киришдик. Тошкентдаги иккита йирик корхона касаба уюшма раисларининг ойлик маошлари хўжалик ҳисобидан тўланганидан бўлди ва бу, кўтганимиздек, яхши натижалар бермоқда.

Хуллас, алоқачиларнинг хорижий мамлакатлардаги ҳамкасбалари билан ҳамкорликлари бироз жоиланиб бораётир ва биз бу йўналишни янада самаралироқ изга солиш ниятидамыз.

— Раҳмат, сизларга шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз!

Сўхбатдош: Баҳодир АМИНОВ.

Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси лойиҳаси умумхалқ
муҳокамасида

АНИҚЛИК КИРИТИЛСА...

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси лойиҳаси бугунги кунда ҳеч кимни бепарқ қолдирмайпти. Чунки, у мустақил Республикамининг Асосий қонуни — ҳаётимиз дастуридир. Албатта, бу дастур мукамал бўлиши керак.

Лойиҳанинг IX-боб 40-моддасининг иккинчи хат бошида «Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади», деб ёзиб қўйилган. Шу ўринда «Бепул умумий, ўрта махсус ва олий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади», деган жумлалар билан тўлдирилса айни муддао бўларди.

Шунингдек, 35-моддада «Ҳар бир шахс мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқига эга. Банкка қўйилган пуллар сир тутилиши» ...жумлаларидан кейин «ва бошқа мулклар (заёмлар, сертификатлар)» жумлалари қўшилиб, бу моддага аниқлик киритилса яхши бўларди, деб ўйлайман.

Саидақбар ЗАЙНОВИДДИНОВ,
Андижон вилояти касаба
бирлашмаси меҳнаткашларни
соғломлаштириш доимий
комиссиясининг раиси.

ТАЪСИР КУЧИ ОШСИН

Асосий қонун лойиҳасининг 1 боб 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили — ўзбек тилидир» деган жумлалар ёзилган. Назаримда лойиҳа матнига «Миллат ҳақидаги модда киритилиб, кенг маънода талқин этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ахир Ўзбекистонни ташкил этган асосий миллат ўзбекларку, шунингдек, унда бошқа миллат вакиллариининг ҳақ-ҳуқуқларини таъминловчи қоидалар ҳам бўлиши керак-ку.

Давлат тили ҳақидаги қонун амалда қўлланилаётганлигига ҳам анча бўлди. Конституция лойиҳасида бунга амал қилиш тилнинг, миллатнинг ҳурматини оширади деб ўйлайман.

Шунингдек, биринчи моддада «Ўзбекистон — суверен демократик республика» эканлиги ҳам таъкидлаб ўтилган. «Суверен» сўзи ўрнига «Мустақил» сўзини ишлатилса таъсир кучи янада ошади, деб ҳисоблайман.

Ҳикматилла САИДАҲМЕДОВ,
Бухоро вилояти,
Бухоро районидagi
Усмои Юсупов номли
жамоа хўжалиги
бошқарувининг раиси.

ФИКР АНИҚ БЎЛСИН

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистон касаба уюшма ҳаракатини ривожлантириш концепцияси лойиҳасининг «Асосий тақлиф ва хулосалар» бўлимида «Меҳнаткашлар, уларнинг оила аъзолари санаторий ва курортларда даволанишлари ва дам олишларини ташкил этиш ҳам касаба уюшмаларининг тасарруфида қолдириш мақсадга мувофиқ бўлади», деган жумлалар бор. Шу ўринда бир мулоҳазани ўртага ташламоқчиман. Ахир санаторий ва курортларга бораётган меҳнаткашлар агар касаба уюшмаси бу ишга аралашмаса, моддий томондан ёрдам бермаса, нарх-нафнинг ҳозирги ўсиб бораётган даражасида ҳар кимса ҳам у ерларга боролмайдику.

Шундай экан, жумла тузилишидаги «касаба уюшмаларининг тасарруфида қолдириш мақсадга мувофиқ бўлади» жумлалари ўрнига «касаба уюшмаларининг тасарруфида қолади», деб ўзгартирилса ҳам маънога, ҳам фикр аниқлигига эришилган бўларди.

Қумри МАҲМУДОВА,
«Юлдуз» тикувчилик ишлаб
чиқариш бирлашмаси касаба
уюшмаси кўмитасининг раиси.

АЛОҚАЧИЛИК — МАСЪУЛ КАСБ

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитасининг раиси Тоҳир Назирович НАЗИРЖОНОВ билан мусоҳаба.

вазифаларини асосан очикликда ўтказишга мажбурдилар. Жазирама ёз, қаҳратон киш, дўл-ёмғир, шамол-бўронли кунларда ҳам зиммаларидаги бурчларини бажаришлари шарт. Хўжалик раҳбарлари, корхоналарнинг мутасаддилари билан келишилган ҳолда ана шу касбдаги ходимларга бирмунча имтиёзлар яратишга эришганмиз, лекин очиги, бу борада ҳали унчалик кўнглимиз тўлмайди.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ҳам мураккаб жараёнларни бошдан кечираётимиз. Эркин нарх-наволарга ўтилиши муносабати билан тармоқ ходимлари маошларини бир меъёрга муттасил ошириб бориш, ишлаш жойларида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, зарур маданий-манший шароитларни яратиб бериш тармоқ касаба уюшмасининг асосий вазифасидир. Зиммамиздаги ана шу бурчни рўёбга чиқаришда Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси билан Ўзбекистон Алоқа вазирлиги ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 1992 йил учун тузилган ва шу йил май ойида имзоланган Битим алоҳида аҳамиятга моликдир. Битимда, жумладан, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва тармоқ ходимлари учун қулай ишлаб чиқариш шароитлари яратиш юзасидан назорат ўрнатиш, ишлаб чиқаришда оғир шикастланиш сабабларини таҳлил этиш ва унинг оқибатларини тугатиш юзасидан зарур чоратadbирларни белгилаш асосий шартлардан биридир. Меҳнатни муҳофаза этиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларига тармоқ меҳнаткашларининг маффаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя этувчи тақлифлар киритиш, хавфсизлик барқарор бўлган ишлаб чиқариш шароитларини яратиш, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан иш жойларини қисқартиришда алоқа ходимларини ҳимоя қилиш

нинг истиқболи, самаралари ҳусусида сўзлаб берсангиз.

— Кейинги бир-икки йил ичида алоқа ходимлари касаба уюшмасининг делегациялари Ҳиндистон, ва Бельгиядаги касаба уюшма жамоаларининг тажрибасини ўрганиш учун бордилар. Мен ҳам шулар қаторида бор эдим. Яқинда эса Буюк Британияда бўлдим, алоқа касаба уюшмаси томонидан ташкил этилган бир ҳафталик семинарда қатнашдим. Буюк Британия сафари менда жуда катта таассурот қолдирди. Семинарда уюштирилган лекциялар ўзининг юксак савияси билан, мутахассисларнинг ўз соҳаси бўйича билимдонлик, жонкуярлик муносабатлари, бозор иқтисодиёти шароитида кўндаланг турган ва келажак муаммоларни зукколик билан таҳлил эта билишлари менга мактаб бўлди. Бизни шаҳардан ташқаридаги баҳаво, шовкин-сурондан йирик сўлим гўшлардан бирига жойлаштиришди. Уқиш, ўрганиш, тажриба алмашиш билан банд бўлдик. Бир нарса мени чинакамга хайрон қолдирди: у ердаги ҳамкасбаларимиз, касаба уюшмалари фаолияти билан шуғулланувчи мутахассислар сидқидилдан, бозор иқтисодиёти шароитининг қийинчиликлари ва мураккабликларидан бизни огоҳ этдилар. Ана шундай жараёнда қандай йўл тутиш, ишчи ва хизматчиларнинг маффаатларини қандай қилиб ҳимоя қилиш йўл-йўриқларини ўргатдилар. Шундай мисол келтиришди: бир корхонада ишчиларнинг ойлик маошларини ошириш юзасидан касаба уюшмаси маъмурият олдига ўз талабларини қўйган, маъмурият бунга рози бўлган, бироқ ишчиларнинг ўзлари ойлик маошларини оширмасликни талаб қилиб чиққан экан. Бунга сабаб — агар маошларни ошириладиган бўлса, штат қисқартирилиб, ишчиларнинг маълум тоифалари ишсиз қолади.

га хос йўлини топдилар. Шоли — пахта алмашлаб экиш шакли йўлга қўйилди.

Амалдаги йилда 3 минг гектарда шоли, 800 гектар ерда пахта етиштирилди. Ундан 17 минг тонна шоли, 3 минг тонна пахта етиштириб давлатга сотиш хўжалик ишчиларининг бу йилги мажбуриятидир.


Айни шу кунларда хўжа-

ликнинг шоли пайкаларида ҳам, пахтазорларида ҳам меҳнат сурони авжида. Шоли ўриш ва янчиш механизмлари, пахта териш машиналари юқори унум билан ишлатилляпти. Ҳосил чўғи баланд. Пудратчилар бир теримдаёқ режаларини уддалаяптилар.

Шижназар АҲМАД,
«Ишонч» муҳбири.

ҲАМ ПАХТА, ҲАМ ШОЛИ

Хўнқа районидаги Ал-Хоразмий номли давлат хўжалиги бир вақтлар энг йирик шолчилик хўжалиги эди. Деярли 4 минг гектарга яқин майдонга шоли экиларди. Ҳадеб бир хил экинни эканми эса ҳосилдорликка салбий таъсир қиларкан. Хўжалик мутахассислари ва тажрибали деҳқонлари экин майдонларини даволашнинг ўзи-



Чироқчи райони деҳқончилик-саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси Расул Шодиёров бизни илқ қарши олди. Ҳозирги қийин шароитда касаба уюшмаларининг вазифалари, муаммолари тўғрисидаги ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

— Районимиз ҳудуди ва аҳолисининг сонига кўра, вилоятимизда энг йирик ҳисобланади. — деди у. — Қўмитамизга уюшган 47 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида жами 24534 нафар аъзо бор. Улар районимиз хўжаликларидан самарали ишлашапти.

Тўғриси айтсам, баҳтимизга мустақиллик шарофати билан касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Бу қонун бизнинг дадил ҳаракат қилишимизга ёрдам беради деб умид қиламан. Аммо шу пайтгача касаба уюшмалари бошланғич ташкилотларининг таъсири, обрўи илгариги.

майди. «Кун ўтса бўлди» қабилда иш тутиб юрган қўмита раислари ҳам йўқ эмас. Жойларда жамоа шартномаси талаблари бажарилмаяпти. Баъзи корхоналарда ёш мутахассислар ҳисобига штатлар қисқартиляпти. Эндиликда касаба уюшмалари бундай ноҳақликларга мурасасиз бўлишлари лозим.

— Бу фикрлардан Чироқчида касаба уюшмалари фаолияти ёмон экан, деган хулоса чиқмаслиги керак, — дея кулди Расул ака. — Оғир шароитга қарамадан жон куйдириб, баҳона эмас, имконият ахтариб ишлаётган фидойи қўмита раис-

КўНГИЛДАГИ ТАСКИН

биз ҳозир «турғунлик» деб атаётган йилларга нисбатан анча пасайиб бораётгандек туюлади менга. Чунинчи санаторий-курортлар йўлланмаларининг нархи қимматлашганига сабабли одамлар — деҳқонлар, ишчилар дам олишга, даволанишга боролмаяптилар. Нарх-наво осмонга чиқиб кетган бугунги кунда меҳнатқашлар олаётган маош кун кечирини учун зўрга етаяпти, ҳолос. Қурбимиз етганича аҳолини, айниқса, унинг энг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш учун зарур чораларни кўраёلمиз. Ҳозирда жойларда ҳар қадамда меҳнат қонунчилиги бузиляпти, давлат ва жамоа хўжаликларининг раҳбарлари касаба уюшма қўмитаси раислари билан мутлақо маслаҳатлашмасдан қарорлар қабул қилаяптилар. Айрим амалдорлар касаба уюшма қўмитасини ҳатто менсимайди ҳам. Хўжаликларда қўмита раислари қишлоқ хўжалик ишлари билан ниҳоятда банд қилиб қўйилган. Улар вазифалари, ҳуқуқларини яхши билми-

ларимиз бор. Уларнинг ишлари билан таништирай...

Чироқчи пахта тозалаш заводида ўзини касаба уюшма қўмитаси раиси Сайёра Жумаева деб таништирган истараси иссиқ киз билан суҳбатлашдик.

Завод райондаги йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу ерда 460 дан зиёд ишчи-хизматчилар аҳил меҳнат қилишапти. Заводда тайёрланган пахта тойларини Швейцария, Руминия, Америка, Индонезия ва бошқа хорижий мамлакатларга чиқаришаркан. Йил охирига қадар, 13 минг 400 тонна тола тайёрланиб, унинг етмиш фоизи чет мамлакатларга сотилади.

— Ишчиларга қандай қулайликлар яратилаяпти, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида уларни социал жиҳатдан ҳимоя қилиш юзасидан қандай ишларни амалга ошираёпсизлар? — деб савол берман, завод директори Холмурод ака Очиллов ва Сайёра Жумаевага юзланиб.

Улар бири олиб, бири кўйиб

қилинаётган ишлардан гапириб кетишади. Мен ён дафтаримга қайт қилиб, улгура олмайман. Эсимда қолгани қуйидагилар:

Ишчиларга тушлик бепул. Арзон нархда гуруч, картошка, тақчил матолар, кўйлақлар, камзул-шим берилаяпти. Байрам кунлари арзон нархда гўшт тарқатилади. Завод ўзига қарашли 20 гектар ерга бугдой, 10 гектар майдонга тарвузковун эккан. Албатта, бу маҳсулотлар ишчи-хизматчиларга тарқатилади. Ердамчи хўжаликда 50та қорамол бор. Сигирларнинг сутти завод болалар боғчасига берилди. «Толачи» болалар боғчасида фақат завод ишчи-хизматчиларнинг 140 нафар фарзандлари тарбияланишапти.

Завод ишчи-хизматчиларининг кўнгилли хордиқ чиқариб, дам олишлари учун ғамхўрлик қилинапти. Китобдаги «Мингчинор» даволаниш масканидан иккита ҳона, олти ўрин доимий ижарага олинган. Ишчилар бу ерда ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда даволаниб, дам олишапти. Ёз ойларида турли маршрутлар бўйича экскурсиялар уюштириляпти. Ўтган йили 41 нафар ишчилар бепул саёҳатга бориб келишди. Заводнинг ўз ансамбли бор. Район футбол командасига завод ҳомийлик қилади.

Касаба уюшма қўмитаси раисининг таклифига кўра, заводда астойдил ишлаётган ишчиларнинг фамилияларини ёзиб олдим. Мана улар: Қўчқор Яхшиев (созловчи), Хурматой Каримова (смена мастери), Шодмон Бозоров (момик ажратувчи), Мухаммад Жабборов, Хушмурод Хонназаров (слесарлар), Эргаш Хайитов, Бозор Турниёзов (тола юкловчилар) ва бошқалар.

Чироқчидан кўнглим таскин топиб қайтдим. Бу таскиннинг боиси қаерга борманг, хоҳ пахта дала-сига, хоҳ чорвачилик фермасига, хоҳ саноат корхонасига — одамлар ишлашапти. Бундай меҳнатқаш, фидойи одамлари бор юрт келгусида равнақ топишига, халқи бой ва фаровон яшашига ишондим.

Абдужалол ТАЙПАТОВ.



Ташкентдаги иккинчи пойафзал ишлаб-чиқариш бирлашмаси маҳсулотига талаб тобора ортиб бормоқда. Сабаби бу ерда пойафзаллар сифатли тайёрланмоқда.

Суратда: Тўртинчи цех тикувчи-мотористкаси Шохид Мухамедова иш устида. У пойафзални пишиқ, пухта тикиши билан ном қозонмоқда.

Х. СОЛИХОВ олган сурат.

ҚИШ кунларининг бирида Оқдарё районидаги «Оқдарё» давлат хўжалигида биноларни иситадиган буг қозонининг портлаши натижасида қирқ саккиз ёшли ишчи Турғун Неъматуллаев ҳаётдан бевақт кўз юмди. Балогатга етмаган тўрт фарзанд отасиз қолди. Сал кейинроқ эса Пахтачи районидаги пахта тозалаш заводида йигирма саккиз ёшли ишчи Ойсанам Муродова тоқ уриш оқибатида қурбон бўлди. Уч нафар порасида етим қолди. Ўтган йилнинг ўзида вилоятда саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида 358 та бахтсиз ҳодиса рўй берди. Оқибатда 15.242 иш кунини йўқотилди, касаллик варақасига 188.608 сўм маблағ тўланди, 50 киши ҳаётдан кўз юмди.

...Мазкур ҳодисаларнинг илди-зи аксарият ҳолларда раҳбар ва мутахассисларнинг эътиборсизлиги ва масъулиятсизлигига бориб тақалади.

Бейҳиёр инсон ҳаётига завод бўлаётган бахтсизликлар илдинини излаб, ўйга толаман. Ҳаётини тажриба шуни кўрсатмоқдаки, мазкур ҳодисаларнинг илди-зи аксарият ҳолларда раҳбар ва мутахассисларнинг эътиборсизлиги ва масъулиятсизлигига бориб тақалади.

Юқорида келтирилган «Оқдарё» давлат хўжалигидаги фожияни олайлик. Гап шундаки, воқеа рўй беришидан сал олдин меҳнат муҳофазаси назоратчилари сув иситиш қозонларининг носозлиги туфайли ишлатилиши таъқиқлаб қўйгандилар. Бироқ хўжалик бошлиғи М. Холдражабов техника назоратчиларининг фикри билан ҳисобла-нишни ўзига эи кўрмади. Оқибати эса маълум. Бундай масъулиятсизлик оқибатида меҳнат қишини қулай иш шароити яратиш, уларни маҳсул қийим-бошлар билан таъминлаш ўрнига унинг ҳаёти хавф остида қолади, натижа-да жиноят содир бўлади.

Тўғри, бахтсиз ҳодисалар тафе-лотини текширган меҳнат муҳофа-заси техника назоратчилари айбдор раҳбар ва мутахассисларга қонуни белгиланган даражада чора кўраштилари. Масалан, Иштихон районидаги Мурод Жўраев номи жамоа хўжалиги раиси Ф. Пирназаров, Зирабулоқ пахта тозалаш заводи директори И. Неъматов, Каттакўрғондаги 10-автокорхона бошлиғи М. Бахриев ва бошқаларга меҳнат муҳофазаси қондаларини бузганликлари учун жазирма солинди. 49 нафар раҳбар ва мута-

КЕЙИНГИ ПУШАЙМОН...

хассис вазифасидан бўшатилди. Умуман, бир йил мобайнида вилоятда 232 нафар раҳбар ва мутахассисга пул жаримаси солинди. Лекин, кўрилган чора-тадбирлар қутилганидек самара бермаётганини таъкидлаш керак. Арзимаган жарима хўжалик бошлиқларига на-ша чаққанчалик ҳам таъсир этма-япти.

Демак, муаммони ҳал этишнинг бошқа таъсирчан йўллари қиди-риш керакка ўхшайди. Аввало, ишлаб чиқаришда меҳнат шароитининг ёмонлиги оқибатида қурбон берилса ёки киши саломат-лигига зарар етказилса, фикримча, ҳам маъмуриятдан, ҳам ҳодисага бевосита алоқадор бўлган раҳбар шахслардан қатъи назорда тово-нидириш қонун йўли билан белги-лаб қўйилиши керак.

Жаҳондаги ривожланган мамла-катларда, масалан, Олмонийда

шундай қилинар экан. Хусусан, биргина қурилиш соҳасида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса рўй берса, унинг олдини олиш учун сарфланадиган мабла-га нисбатан ўн баравар кўп маблағ сарфланаркан. Шу боисдан бу мамлакатда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун маблағни аяш-майди. Бизда эса бултур ҳар бир ишловчи учун меҳнат муҳофазаси мақсадларига атиги 15,8 сўм маб-лағ сарфланди, ҳолос. Ҳозирги қимматчилик шароитида бу пул нима бўлади?!

Амалдаги мавжуд қонуларни мизнинг номукамаллиги туфайли инсон ҳалокати билан боғлиқ фа-локат айбдорлари ҳам жавобгар-ликдан осонгина қутилиб кетиш-моқда. Масалан, вилоят касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофаза-си техник назоратчилари томонидан 1991 йилда прокуратура органла-рига ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларга оид 41 та ҳужжат юборилди, афсуски бирорта ҳам жавоб олинмади.

Фикримча, бизда назорат ор-ганлари кўпу, лекин улар ўрта-сида ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик йўқ. Санитария назорати, давлат бېғинга қарши кураш назорати, автомобиллардан фойдаланиш дав-лат назорати, қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланиш дав-лат назорати, энергетика назора-ти, тоғ-қон корхоналари техника назорати, касаба уюшмалари

таркибидаги меҳнат муҳофазаси техник назорати — номини санаб ўтишнинг ўзигагина анча вақт кетади. Лекин кўраёнимизки, чўпон кўнайса қўй, ҳаром ўлади, деганга ўхшаш аҳвол юз берапти. Менимча, буларнинг ҳаммасини бирлаштириб, ягона техника назо-рати органини ташкил этиш ва унинг масъулиятини ошириш ке-рак. Балки мазкур назорат идора-сини касаба уюшмалари таркибида тузиш керакдир, балки мустақил қўмита сифатида вужудга келар. Буни ўйлаб кўрилса, мақбул ечим топилади.

Қолаверса, тармоқ касаба уюш-маларидаги техник назоратчилар ўртасида ҳамжиҳатликнинг йўқли-ги ҳам машҳур масалдаги оққуш, чўртанбалиқ ва қиеқичба-қанинг ҳолатини эслатади. Бу ҳол ишга салбий таъсир кўрсатапти. Менимча, уларнинг кучини бирор нақда марказлаштириш ҳақида ўйлаб кўриш керак.

Энг муҳими, республикамызда меҳнат муҳофазасига доир мукам-ал қонуни ишлаб чиқиш зарурати-ни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ўзбекистон Олий Кенгашининг масалата алоқадор қўмиталари ҳамда Республика касаба уюшма-лари Федерацияси кенгашининг тегишли бўлимлари бу ишда жон-бозлик кўрсатиб, бўлажак қонун лойиҳасини мумкин қадар тезроқ тайёрлаб, навбатдаги сессия кун тартибига киритишлари керак, деб ўйлайман.

Рашид СОДИҚОВ,
Самарқанд вилояти касаба уюшмалари кенгаши меҳнатни муҳофаза этиш бўлимининг техник назоратчиси.



БИР ДОНИШМАНД айтган экан, кишининг жонини тикишга ҳам тайёр турган бирон нарсаи бўлиши керак. Навоийлик Фулом Облоқулов хақида ўйлаганимда шу фикр хаёлимга келади. Уни лутфан таништиришга хожат йўқ. Эндигина йигирма тўққиз баҳорни қаршилаган бўлса-да, эл-юрт манфаати йўлида амалга оширган хайрли ишлари билан тилга тушди, вилоят миқёсидаги янги бир ташкилотни шакллантирди. Буни жонкуярлик дейсизми, ташаббускорлик дейсизми — ўзингиз биласиз. Хайтовур бир нарса аниқ: Фуломжоннинг қалби, хаёти, интилишлари олижаноб мақсадларга туташ. Энг муҳими, у бугунги куннинг одами.

Чоккина хонада Фуломжон билан гурунглашяпману, ана шулар хақида ўйлайман. Тижоратчилик — унинг учун иккинчи касб. Мутахассислиги бўйича инженер-механик. Тошкент политехника олий билимгоҳининг сиртки куллиётини тугатгач, Навоий районлараро савдо базасида омбор мудир, сўнг вилоят кишлок хўжалик техника таъминоти ташкилотида молшўнос ва директорлик вазифаларида ишлади. Хозирги кунда вилоят мева-сабзавотчилик саноати бирлашмаси қошида ташкил этилган «Навоий» агро-савдо фирмаси раҳбаридир.

Биз юкорнда муддаонинг мухтасар тафсилотини келтирдик, холос. Аслида гапни узокдан бошлашга тўғри келади. Утмаган йўлининг чуқури кўп, дейдилар. Фуломжон савдо-тижорат ишига киришаркан, оқиғи, бу борадаги кийинчилик ва тўсиқларни аниқ тасаввур қилолмаганди. 1991 йил бошларида Бухоро вилояти ижроия кўмитасининг қарори билан «Навоий» агро-савдо фирмаси ташкил этилди. Бундан мақсад тармоқда ишни жонлантириш, Қизилтепа, Навбахор, Навоий районлари, Зарафшон, Навоий, Учқудук шаҳарлари аҳолисини кишин-ёзин турли хил кишлок хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашдан иборат эди. Янги тузилма фаолиятини йўлга қўйиш осон бўлгани йўқ, албатта. Унинг етакчиси сергайрат, уддабурро киши бўлиши керак. Ана шундагина иш жойидан силжийди. Ниҳоят, фикрлар

бир жойдан чиқди: «Узплодоовошчвинпром» республика концерни ҳамда вилоят мева-сабзавотчилик саноати бирлашмаси тавсияси билан Ф. Облоқулов агрофирма бош директори этиб тайинланди.

— Ушанда янги ташкилот тузилганлиги хақидаги ҳужжатдан бўлак ҳеч вақомиз йўқ эди, — эслайди суҳбатдошим. — На хона, на маблағ... Ягона йўл — елиб-югуриш, излаш, топиш, йўқдан бор қилиш эди. Бош уриб бормаган эшигим қолмади. Шўро идораларида қозғозбозлигу расмийчилик илдиз отганига ўшанда ишондим. Арзингни тинглашадю сармоядан гап очишинг билан тесқари ўгирилиб олишди. Инсон феъл-ғалати-да.

Уларнинг ечимини топиш, эл-юрт дастурхони тўқинчилигини таъминлаш йўлида ҳали кўп тер тўқимизга тўғри келади.

Ўринли эътироф. Бозор сиёсати барча соҳада янгича ёндашувни такозо этапти. Бошқача айтганда, вақт — пул. Ишбилармонлик ва тадбиркорлик жилловини маҳкам тутган киши асло ютқазмайди. «Навоий» агро-савдо фирмасининг фаолиятинга шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, вилоят ижтимоий хаётида унинг хизматиға нечоғлик зарурат сезилаётганини тасаввур қилиш кийин эмас. Турли ташкилот ва корхоналар, кўшни республикалар билан савдо-тижорат ишини йўлга қўйишда бартер



лан. Арманистон республикасида ҳам такчил маҳсулот олиниб, келишилган нархда сотилди. Иқтисодий ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда. Агрофирма жамоаси жорий йилда аҳолиға янада унумли савдо хизмати кўрсатишни режалаштирган. Шу мақсадда барча имкониятлар ишға солинаяпти. 40 нафар тайёрловчиларнинг бош қашишға вақти йўқ. Эҳтиёждан ошқича ноз-неъматни харид қилиш, сақлаш ва расамади билан истеъмолчиларға етказиб беришда агрофирма энг ишончли шерик. Шу боис у билан шартнома тузишни иетовчилар кўпайиб борапти. Маҳсулотнинг бир қисми қайта ишланиб, киш'мавсуми учун ғамланмоқда. Янги ташкилот энди оёққа тураётган бўлса-да, хозир банкда унинг ўз хисоби, сармоеси бор.

Инсонни меҳнати безайди. У камтарин ва табиатан хунфеъл бўлса — нур устиға нур. Янги тузилманинг нуфузи ошаётган экан, бу аввало жамоа ахлининг катта хизмати. Аммо кўп нарса раҳбарнинг ташкилотчилиги, дадил харакати ва салоҳиятиға ҳам боғлиқ.

Беш фарзанднинг отаси, ёш замондошимиз Ф. Облоқулов мудом эзгу ташвишлар билан яшайди. Мақсади — эл ризки тўқис, рўзғори бут бўлсин. Бизнинг ҳам тилагимиз шу. Эр йигитлар ишбоши бўлган юртда бахт, мустақиллик завол топмағай.


Носир ТОШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

КЎНГИЛДА ЭЪТИРОФ ЯШАЙДИ

Хайрият, бизни тушунадиганлар ҳам бор экан. Навоий шаҳар ҳокимияти ташкилотимиз учун жой ажратиб берди. Шунисига ҳам шукр. Лекин энди бошқа муаммо кўндаланг бўлиб турарди: маблағни қаердан топиш керак? Қайта-қайта қилган мурожаатларимиздан сўнг вилоят «Плодоовошчвинпром» бирлашмаси фирма учун 20 минг сўм пул ажратди. Қаранг, 20 минг сўм! Бу — биз қилмоқчи бўлган ишлар олдида мисоли денгиздан томчи эди. Яна югур-югур бошланди. Навбахор районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Сирож Бекбўтаев олдиға юқиниб бордим. Утинчимни ерда қолдирмади: 300 минг сўм қарз беришға рози бўлди. Ана шундан кейин ишимиз хийла юришиб кетди. Навоий шаҳар ишчилар таъминоти бошқармасидан 147 минг сўмға 6 та дўқонни сотиб олиб, савдо-сотикни йўлга қўйдик. Ташкилотимиз мисоли янги рўзғордай гап: гоҳ у, гоҳ бу етишмайди. Қай бирини айтай? Тўғри, ютуқларимиз бор. Аммо муаммолар ҳам етарли.

Усули кўл келаяпти. Навоийликлар дастурхонидан кишин-ёзин сабзавот, картошка, полз маҳсулотлари узилгани йўқ. Қиммат бўлса ҳам дўқонларда бор. Яқинда Польшадан 150 тонна картошка олиб келиниб, бозордагидан анча арзон нархда сотилди. Бултур «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалигининг 200 тонналик сифимға эға бўлган музхонаси ижараға олинган эди. Хозирги кунда у агрофирма эҳтиёжи учун аскотаяпти. Навоий ҳамда Бухоро вилоятларидаги мева-сабзавот етиштирувчи кўпгина хўжаликлар билан шартнома тузилган. Бухоро шаҳриға қарашли Фрунзе номли давлат хўжалиги, Ғиждувон районидаги С. Айний номли жамоа хўжалиги, Қизилтепа районидаги «Қуймозор» давлат хўжалиги ана шулар жумласидандир.


Утган йили амалға оширилган яна бир хайрли ишни тилға олмасак бўлмас. Омск шаҳриға олма, узум жўнатилиб, эвазига 120 тонна картошка харид қилинди. Шу йўл би-



Мухбиримиз Қуйи Чирчиқ районидаги «Огонёк» давлат хўжалигида бўлган куни ғарқ пишган узумларни йиғиштириб олиш қизғин паллага кирган эди. Бу йил боғбонлар ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирдилар. Айниқса, Нормат Абдуллаев ва Сиддиқ Мусаев парвариш қилган боғлар ҳосили барақали бўлди. Улар Ирисқул Қўшоқов бошчилик қилиб келаятган бўлимда кўп йиллардан бери ҳалол ишлаб келмоқдалар.

Боғ яратишда отахонлар тўплаган тажриба жамоаға қўл келаяпти. Хозир кўплаб ёшлар улар изидан бориб бевосита боғларда меҳнат қилишяпти, қайта ишлаш корхоналарини оёққа турғазияшяпти. Бу йил хўжалик вино заводида шарбат тайёрловчи янги линия ўрнатилди. Бу линия Югославиядан олиб келинди.

Айни пайтда хўжаликда маиший хизмат корхоналари қурилишиға ҳам катта эътибор берилаяпти. Маиший хизмат уйи чеварлари ишчилардан тушаётган буюртмаларни ўз вақтида, сифатли адо этмоқдалар. Бу ерда тикиб чиқарилаётган



«ОГОНЁК»ДА БИР КУН

маҳсулотлар хили ой сайин кўпайиб бормоқда. Зоя Пак, Людмила Макарова, Лариса Рибакова каби чеварлар яратаётган модалар айниқса ёшларға манзур бўлаяпти.

Яқинда қурувчилар ишчиларға атаб кўркам чойхона қуриб беришди. Хозир бу ерда турли хил миллий таомлар тайёрланмоқда. Ишчилар бир пиёла чой устида ширин суҳбатлар қурмоқдалар.

... Қишлоқ хўжалик ишлари оёқлаб хўжалик санаторийси боғбонлар, соҳибкорлар билан гавжумлашиб қолди. Бу ерда ишчиларнинг даволанишлари учун барча қулайликлар яратиб берилган: тажрибали шифокорлар хизматда, замонавий медицина усқуналари билан жиҳозланган кабинетларда даволашнинг энг самарали усуллари қўлланилаяпти.

Санаторийнинг довуғи бутун райониға ёйилган. Хозир кўшни хўжаликларнинг аъзолари ҳам «Огонёк» санаторийси хизматидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Суратларда: «Огонёк» давлат хўжалиги ҳаётидан лавҳалар.

Даврон АХМАД олган суратлар.





— Уртоқ Ва Хоуде, Сиз бошлик делегация аъзолари Ўзбекистондан қандай таасуротлар билан қайтишяпти?

— Ғоят катта таасуротлар билан. Биз юртингизга биринчи бор таъриф буюрганимиз учунми, кўзимизга ҳамма нарса ғайри табиийдек туюлди. Тошкент манзаралари, Самарканд обидалари, меҳмондўст, ишбилармон одамлар... Шуларни кўриб, бу юртининг истиқболи порлок эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Ҳозирги кийинчиликлар тез вақт ичида унут бўлиб қетади. Бунга ишонаверинг. Шундай кунларни бизнинг халқ ҳам бошидан кечирган. 70-йилларнинг охирида бошланган туб иқтисодий ислоҳот Хитойни жаҳоннинг илғор мамлакатлари қаторига олиб чиқиб қўйди. Ҳозир етиштираётган ғалламиз ва бошқа хил дехқончилик маҳсулотларимизни бир миллиардди халқдан орттириб, чет элларга ҳам сотаямиз.

Бизда давлат, жамоа, хусусий, шахсий секторлар, чет эл капиталлари билан ишлаётган корхоналар жуда ҳам кўп. Социалистик бозор иқтисодиётига қаттиқ амал қилаймиз. Чет эл капиталлари учун кенг йўл очилган. Турли минтақаларда 5 та иқтисодий зона яратганмиз. Чет эл товарлари шу зоналар орқали мамлакат иқтисодига кириб келаяпти. Россияга

ИЛГАРИ хабар берганимиздек, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши тақлифига биноан Умумхитой қасаба уюшмалари Федерацияси делегацияси ўлкамизда меҳмон бўлиб турди. Сафар охирида мухбиримиз делегация раҳбари, Умумхитой қасаба уюшмалари Федерацияси раисининг муовини Ван Хоуде билан учрашиб унга бир неча саволлар билан мувожабат этди.

якин зонамиз Приморье ўлкасига туташ бўлган чегарамизда жойлашган.

Шуни ҳам айтиш керакки, очик эшиклар сиёсати иқтисодий жиҳатдан фикримча ҳозирда бизга ғарбга ҳос ахлоқ кириб келаяпти. Лекин биз хушёр туриб маданиятимизга, урф-одатларимизга зид ахлоқнинг йўлини тўсишга ҳаракат қилмоқдамиз.

— **Иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда қасаба уюшмаларининг роли қандай бўлаяпти?**

— Бизда 16 та тармок қасаба уюшмаси, 623 мингта бошланғич ташкилот бор.

лабалар комсомол ва ёшлар ташкилотларига аъзо бўлишлари мумкин. Уларни шу ташкилотлар ҳимоя қилади.

Социалистик режали бозор иқтисодиётига ўтганимиздан бери қасаба уюшмалари ҳам ўзларини ўзлари қоплашга ҳаракат қилмоқдалар. Қасаба уюшмаси ташкилотлари тадбиркорлик ҳаракатида фаол иштирок этмоқдалар. Ҳозир қасаба уюшмаларининг 10 мингта яқин корхона ва ташкилотлари бор. Улар кучи билан йилига 2 миллиард 200 миллион юанлик (6 юан 1 доллар) маҳсулот

ИСТИҚБОЛИ БОР ЎЛКА

Уларга 103 миллион киши бирлашган. Қасаба уюшмаси аъзолари нега кам, деб сўрашингиз мумкин. Бизга фақат белгиланган миқдорда маош оладиган кишиларгина аъзо бўлади. Ҳар бир иқтисодий бирлиكنинг 2 фоизи қасаба уюшмасига ажратилади. Қасаба уюшмаси аъзолари эса маошларининг ярим фоизини бадал сифатида берадилар. Умумий маошдан ажратилган пулларнинг 60 фоизи ўша бошланғич қасаба уюшмаси эҳтиёжи учун қолдирилади. Бу маблағ кам қувватли районларга ёрдам тарзида тарқатилади. Чунки бюджетимизнинг давлат бюджетига алоқаси йўқ.

Дехқонлар, хусусий кишилар, қасаба уюшмаларига аъзо бўлолмайдилар. Чунки улар давлатдан аниқ миқдорда маош олмайдилар. Та-

ишлаб чиқармоқда. Бу маблағнинг катта қисми синаётган корхона ишчиларини социал жиҳатдан ҳимоялашга, улар маошларини оширишга, кўшимча қасб ўргатишга сарфланапти.

Савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатиш туфайли ҳам катта самара олаяпти. Биз 140 та мамлакатнинг 170 та қасаба уюшма ташкилоти билан алоқа қилаймиз. Бу усул ҳар иккала томонга катта фойда келтираяпти.

— **Хитойни биз энг аввало аграр мамлакат сифатида таниймиз. Аҳолисининг катта қисми дехқончилик билан банд. Айтингчи, дехқонлар манфаатини ким ҳимоя қилади?**

— Ҳақиқатан ҳам мамлакатимиз аҳолисининг каттагина қисми дехқончилик ва чорвачилик билан банд. Ил-

гари дехқонлар коммуналарга бирлашган ҳолда меҳнат қилишарди. Коммуналар сизлардаги колхозларга ўхшарди. Дехқонлар уюшмаси уларни ҳимоя қиларди.

«Маданий революция»дан сўнг бундай уюшмалар ҳам, коммуналар ҳам тугатиб юборилди. Улар ўрнига дехқонлар қўмитаси тузилди. Ер дехқонларга фойдаланиш учун бўлиб берилди бошланди. Шу тарихи пудратчи оилалар вужудга келди. Энди дехқонлар давлат ҳимоясига олинган. Ҳозир кишлоқларда дехқончилик билан бирга хайта ишлаш корхоналари тармоғи ҳам кенгайиб бормоқда. Қўшма корхоналар сони кўпаймоқда. Бундай корхоналарни сизлар билан биргалликда қуришга ҳам тайёрмиз. Биз «Ташинтер» қўшма корхонасида бўлиб кўп ишчилар билан суҳбатлашдик. Ҳаммалари хурсанд: термосларнинг бозори чакон, маош юқори, шароит яхши.

Ўзбекистон пахта, жун, пилла каби қимматли хомашёларга бой. Бизда эса уларни қайта, ишловчи технология усуллар бор. Агар келишсак, қўшма корхоналар ташкил этиш ҳеч гап эмас. Мол айирбошлаш йўли билан ҳам ўзаро манфаат кўришимиз мумкин. Хитойда енгил саноат маҳсулотлари кўпайиб ишлаб чиқарилмоқда. Спорт анжомлари ундан ҳам кўп. Турли соҳа вақиллари учун кўржомалар тикиб чиқаришга мослашган ўнлаб фабрикалар ишлаб турибди. Улар билан бемалол мол айирбошлаш мумкин.

— **Мол айирбошлагандан кўра, қўшма корхона ташкил этиб кенг истеъмол буюмларини шу ерда ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, биз учун фойдали бўларди...**

— Тўғри фикр. Молларни ташиб келиш, солиқ тўлаш, харажатларни қоплаш каби катор муаммоларнинг туғилиши табиий. Шунинг учун қўшма корхоналар ташкил

этишга кўпроқ эътибор беравериш керак. Беш кун кечроқ бўлса ҳам ўша мол шу ерда тайёрлансин.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раҳбарлари билан бўлган учрашувлар чоғида қўшма корхоналар яратиш юзасидан бир қатор фикрлар ўртага ташланди. Уларни ўрганиб ўз тақлифимизни айтаемиз.

Умуман, сафаримиз ғоят самарали бўлди. Имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Хитой қасаба уюшмалари ўртасида бўлган дўстлик алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Қелажақда ўзаро сайёҳлар айирбошлашга, қасаба уюшмалар тўплаган тажрибаларни ўрганишга алоҳида эътибор берамиз.

Ўзбекистонни биз мустақил республика сифатида қадрлаймиз, тенг ҳуқуқлик, ўзаро манфаатдорлик асосида алоқаларни янада мустаҳкамлашга интилаверамиз. Сафаримизнинг охири кунинда бизни Республикангиз Президенти Ислам Каримов қабул қилди. Бундай эътибор бизни ғоят мамнун этди. Суҳбат давомида Ўзбекистонда амалга оширилётган аъжойиб ишлар ҳақида тўлиқ маълумот олдик. Айниқса, меҳнатқашларни, аҳолининг кам таъминланган табақаларини социал ҳимоялаш юзасидан республика ҳукумати, шахсан Президент олиб бораётган ишлар бизда катта қизиқиш уйғотди. Ўйлаймизки, қўрилатган чора-тадбирлар Ўзбекистонни иқтисодий бухронлардан тезда олиб чиқади ва республикангиз гуллаган диёрга айланади. Шу кунларни кўриш насиб этсин!

— **Суҳбатингиз учун раҳмат, Сизларга оқ йўл тилаймиз.**

— Раҳмат. Яна кўришгунча, хайр.

Суҳбатдош: **Жасур НОСИРОВ,**
«Ишонч» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитасининг IV Пленуми бўлиб ўтди. Пленумнинг кун тартибиде «Главташкентстрой»нинг қурилиш саноати маъмурияти ишлаб чиқариш бирлашмаси ва 159-қурилиш трести қасаба уюшмаси қўмиталарининг бозор шароитида ташкилий ишлари масаласи муҳокама қилинди.

дам олиш зонаси қурила бошланди. «Бўстон» давлат хўжалиги орқали меҳнатқашларга қовун-тарвуз ва сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш йўлга қўйилди.

Меҳнатқашларга ғамхўрлик қилиш, 159-қурилиш трести қасаба уюшмаси қўмитасининг ташаббуси билан трест қурувчиларига тушлик иссиқ овқатларини арзонлаштириш учун 1,6 млн. сўм пул ажратилган эди. Трестда ўн ва

қуналар танқислиги сингари бир қанча муаммолар устида тўхталдилар.

«Главташкентстрой» қурилиш механизациялари трестининг бошқарувчиси Б. Максудхўжаев эртанги кунга бефарқ қараётган баъзи раҳбарлар ҳақида гапирди.

Шаҳар қасаба уюшмаси қўмитасининг раиси Надежда Яковлев-

на Жарова меҳнатқашларнинг ариза ва мувожаатларига ўз вақтида эътибор бериш, вақти-вақти билан хўжалик раҳбарларининг хисоботини эшитиб туришни йўлга қўйиш масаласини мажлис ахли олдиға қўндаланг қўйди. Шу билан бирга меҳнат муҳофазаси масаласи оқсаётгани, ажратилган маблағ тўғри сарфланиб, мўлжалланган тадбирлар бажарилаётганига қарамай ҳар икки қасаба уюшмаси етарлича иш олиб бормаётгани ва охир оқибатда айрим бахтсиз ходисалар рўй берганини ҳам таъкидлади.

Пленум ишида иштирок этган Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари кенгашининг раиси Мирзамавлон Мирпўлатов яқунловчи нутқ сўзлаб, шаҳар соҳавий қасаба уюшмалари қўмиталари орасида биринчи бўлиб бошланғич қасаба уюшмалари қўмиталари олиб бораётган ишларни маълумлади.

Ҳ. ХУДОЙҚУЛОВ,
«Главташкентстрой» 4-қурилиш трести қасаба уюшмаси қўмитасининг раиси.

ПАХТАКОРЛАРГА МАДАДКОРМИЗ

АГРОСАНОАТ мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент вилояти қўмитаси йигим-терим даврида пахтакорларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш тадбирларини амалга оширмоқда. Қўмита вилоят савдо, матлубот соғлиқни сақлаш ташкилотлари ҳамда маданият бошқармаси билан ҳамкорликда дала меҳнатқашларига хизмат кўрсатишга олданди. Қўшма дўконлар, тиббиёт пунктлари, дорихоналар, бадий ҳаваскорларнинг жамоалари айнан дала шийноларига пахтакорларга хизмат қилмоқдалар. Терим илғорлари рағбатлантирилмоқда.

Янгийўл районидеги «Нисёбоши» жамоа хўжалигининг 18- ва 22-бригадалари беш ва ўн кунликлардаги терим якуналари голибларига қўмитанинг фахрий ёрлиқлари ҳамда пул мукофотлари берилди. Шунингдек, хўжаликдаги теримчи, механик ҳайдовчи, юк машинаси ҳайдовчиларидан 20 кишининг ҳар бири 100, 150 ва 200 сўмдан пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Йигим-терим даврида район хўжаликларининг механизатор ва химизаторлари бепул овқатланишлари учун қасаба уюшмалари ҳисобидан 150 минг сўм ажратилган.

Ҳозирда бир қатор районларнинг бадий ҳаваскорлари вилоят пахтакорларига маданий хизмат кўрсатишмоқда. Жумладан, Янгийўл району маданият уйининг «Гулабахор» ансамбли Чиноз районидеги, Оққўрғондаги «Наврўзи акам» ансамбли Бўвада, Қўрай районидеги «Шалол» халқ ашула ва рақс ансамбли Наскентдаги ўз чиқишлари билан пахтакорларни хушнуд этмоқдалар.

Т. АЛИМОВ,
«Ишонч» мухбири.


ЯНГИ РЕЖА ВА ТАДБИРЛАР

Пленумда сўзлаган «Промстройиндустрия» бирлашмаси қасаба уюшмаси қўмитасининг раиси В. Ф. Гауфлер маърузасида айтишча қасаба уюшмаси қўмитаси бирлашма маъмурияти билан биргалликда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида, қарийб 4,5 минг кишилик жамоанинг оғирини енгиллатиш борасида кўп ишлар амалга оширилган.

Йил бошида қабул қилинган жамоа шартномасига асосан ишчи-ходимларни уй-жой билан таъминлаш учун 3,5 миллион сўм маблағ ажратилган, бог ва узумчилик ширкатини ривожлантириш учун 131 минг сўм сарф қилинган. Бирлашманинг ихриёридаги «Горний» соғломлаштириш оромгоҳида 499 та бола хўжалик ҳисобидан дам олиб қайтишди. Шунингдек, Буручмулло кишлоғи яқинида «Ўзбек олтини» бирлашмаси билан биргалликда 50 кишига мўлжалланган

ундан ортик йил ишлаб келган нафақа олувчиларга эса тиббий ёрдам кўрсатиш хизматини трест ҳисобидан амалга оширилди. Бундан ташқари шаҳар ҳокимияти орқали меҳнатқашларни турар жой билан таъминлаш мураккаблашган бир пайтда «Сув канал» трести билан ҳамкорликда уй-жой қурилиш масаласи ҳам ҳал қилинмоқда.

Пленумда сўзга чиққанлар бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ўз жамоаларида қатор кийинчиликларга дуч келаётганликлари, хўжалик раҳбарлари эса изчиллик билан ташаббусни қўлга олмаётганлари, уй-жойни хусусийлаштиришда қурувчиларга нисбатан имтиёзларнинг йўқлиги, болалар богчалари, спорт иншоотлари, дам олиш зоналари бекордан-бекорга сотилаётганлиги, нарх-навоининг кўтарилиши сари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, асбоб-ус-



Саволларга Ўзбекистон Республикаси социал таъминот вазирлигининг етакчи мутахассиси Хулкар Файзуллаева жавоб беради:

???

Қирқ беш йил меҳнат стажига эга бўлган 58 ёшдаги эркак киши кексалик нафақасига чиқишга ҳақлими?

*М. Усмонов,
Жиззах вилояти,
Галлаорол райони.*

Амалда қўлланилаётган нафақа Қонунига асосан қариллик меҳнат нафақаси эркакларга олтимиш ёшдан тайинланади. Бу ёшга етганда тўлиқ нафақа тайинланиши учун 25 йил иш стажига зарур бўлади.

???

Мен 3 фарзандим учун боқувчисини йўқотганлик нафақасини олаяман. Ҳозирда болаларимга иш жойимдан 40 сўмлик нафақани тўлашмаяпти. Шу тўғрисида?

Ўзим оддий бульдозерчи бўлиб ишлайман. Имтиёзли нафақага чиқишим мумкинми?

*М. Абдуллаев,
Самарқанд вилояти,
Каттақўрғон райони.*

Болаларга социал таъминот органлари орқали нафақа олинса, иш жойидан 40 сўмлик нафақа тўланмайди. Сиз болаларингиз учун иш жойингиздан фақат кийим-кечак учун тўланадиган пулни олишингиз мумкин.

Кейинги саволингизга жавоб шуки, бульдозерчиларга имтиёзли равишда нафақа тайинланмайди.

Ҳозирги пайтдаги нафақа Қонунининг 131-моддасига мувофиқ корхона ва ташкилот маъмурияти, касаба уюшмаси қўмитаси ва меҳнат жамоаси кенгаши билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлаш учун мўлжалланган ўз маблағи ҳисобидан ушбу жамоада ноқулай меҳнат шароитида банд бўлган ходимларга муддатидан олдин нафақа жорий этиш мумкин.

???

Қурилишда прораб бўлиб ишлайман. Ёшим 53 да. Имтиёзли нафақага чиқишим мумкинми? 1992 йил 1 июлдан кучга кирган аҳолини иш билан таъминлаш ҳақидаги Қонунга мувофиқ ҳозир нафақага чиқсам бўладими?

Оилада 6 фарзандимиз бор. Турмуш ўрғоғим 53 ёшда. 10 йил иш стажига эга. Нафақага чиқса бўладими?

*М. Жамолдинов,
Андижон вилояти,
Избоскан райони.*

Қурилишда ишлайдиган прорабларга имтиёзли нафақага чиқиш ҳуқуқини берадиган касблар, лавозимлар, цехлар, ишлаб чиқаришлар қайд этилган 2-Рўйхатнинг XXVII бобида қайд этилиши бўйича нафақа сизга

55 ёшдан тайинланади. Бунда эркаклар 25 йил давомида юқорида кўрсатилган касбда 12 йилу 6 ой умумий иш стажига эга бўлиши керак.

Ҳозирги вақтда муддатидан илгари нафақага чиқиш ҳуқуқига эга эмассиз, чунки аҳолини иш билан таъминлаш Қонуни бўйича аёллар 53 ёшдан, эркаклар 58 ёшдан фақат корхона, ташкилотлар тугатилса ёки ишчи ва хизматчилар сони қисқартирилсагина нафақага чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Иккинчи саволингизга жавоб тариқасида шуни айтиш мумкинки, 5 ва ундан ортиқ болани туғиб, уларни 8 ёшгача тарбиялаган аёллар кўп болали она ҳисобланадилар, уларга қариллик нафақаси 15 йил иш стажига эга бўлса 50 ёшдан тайинланади. Агар иш стажлари тўла бўлмаса, 55 ёшдан тўлиқсиз нафақа тайинланади.

???

Акам ва унинг рафиқаси вафот этганидан сўнг уларнинг 4 фарзанди менинг қарамоғимга ўтганлиги сабабли ишдан бўшашига мажбур бўлдим. Уларга қараб турган вақт иш стажига ўтадимми?

*Т. Мирабдуллаева,
Наманган вилояти,
Чортоқ райони.*

Нафақа тайинлашда ўз-фарзандларига қараган вақт кўпи билан 6 йил иш стажига ўтади, бошқа болаларга қараган давр ҳисобга олинмайди.

???

Менинг онам 83 ёшда. Уларга қараб туриш учун менга 60 сўм тўланадими?

*Ф. Саъдуллаев,
Қашқадарё вилояти,
Чироқчи райони.*

Меҳнатга қобилияти бўлган, лекин 80 ёшдан ошган қарияларга қараб туриши эвазига олтимиш сўм товон пули тўланади. Бу товон пули нафақа олувчининг нафақасига қўшиб берилади.

???

Кимёвий ҳимоя бўйича текширувчи ва биофабрикада трихограмма ишлаб чиқариш бўйича агроном бўлиб 8 йил ишлаганим учун имтиёзли нафақа тайинланадими?

*Л. Петросян,
Тошкент вилояти,
Бекобод шаҳри.*

Сиз ишлаган корхона ёки ташкилот бўйича имтиёзли нафақа тайинлаш мумкин эмас. Имтиёзли нафақалар Республика Вазирлар

Маҳкамаси тасдиқлаган 1-чи ва 2-чи Рўйхатларга асосан тайинланади. Бу Рўйхатларда имтиёзли нафақага чиқиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар қайд этилган.

Қуйидаги саволга Ўзбекистон давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси социал-иқтисодий ҳимоя бўлимининг мудирини Раъно Абдуллаева жавоб беради:

???

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қайси ҳолатда қонунда белгиланган муддатдан 2 йил олдин нафақа олиш ҳуқуқига эга бўладилар? Уларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби қандай бўлади?

*И. Муслимов,
Тошкент шаҳри.*

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги Қонуни» 29 моддасининг 4-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган Низомга биноан корхона, муассаса ва ташкилот қайта ташкил этилиши, тугатилиши ёки ходимлар сони қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатилган ҳамда белгиланган тартибда ишсиз деб топилган ва нафақа ёшига яқинлашиб қолган фуқароларга муддатидан 2 йил аввал нафақа тайинланади. Бунда 58 ёшга етган эркаклар камида 25 йил, 53 ёшга етган аёллар камида 20 йил иш стажларига эга бўлишлари лозим.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса натижасида ишдан маҳрум бўлганлар ёки касб касаллигига дучор бўлганлар ва ишга жойлаша олмаганлар ҳам ишдан бўшатилганлар қаторига қўшилади.

Нафақа ёшига яқинлашганда ишдан бўшатилган ходим ишдан бўшатилганидан кейин 10 календар куни мобайнида иш қидираётган шахс сифатида истиқомат жойи бўйича шаҳар, район меҳнат биржасида рўйхатдан ўтиши зарур. Меҳнат биржаси ходимлари фуқарога 3 ой мобайнида муносиб иш танлашда ёрдам кўрсатади. Ишдан бўшатилган киши 3 ой давомида ишга жойлаша олмаса, ишсиз мақомини олади.

Меҳнат биржаси ходимлари ишсиз деб тан олинган ва муддатидан аввал нафақага чиқиш ҳуқуқига эга бўлган фуқарога махсус шаклда тақдимнома ёзиб, уни 5 кун ичида тегишли ижтимоий таъминот бўлимига топширадилар. Ушбу тақдимнома ижтимоий таъминот бўлими томонидан нафақа тайинлаш учун асос бўлади. Муддатидан олдин нафақага чиқиш ҳуқуқига эга бўлган фуқарога ишсизлик мақомини олган кундан нафақа тайинланади.

Ёши нафақа ёшига етгач, ишдан бўшатилган ходимларга нафақа таъминоти тўғрисидаги Қонунга мувофиқ нафақа тайинланади ва тўланади.

● Саҳифани касаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт ва вилоятлараро муҳбирлар билан ишлаш бўлими тайёрлаган.

АБДУЛЛА отанинг гаплари мени ўйлантириб қўйди. Ешилмига оталарнинг бир гапидан ажабланар эдим. Улар ўрни келиб қолганда кампирларига: «Алло таолодан тилагини шу, аввал мен кетай, сен оркамда қолиб, чирогини экиб ўтиргин» дейишарди. Мен буни шунчаки, тил учинда айтилган тилак деб тушунардим. Отанинг гаплари беш йил бурун бўлиб ўтган бир воқеани ҳам ёдимга солади.

Ховосда яшовчи бир кадрдон кишининг хали олтиншига ҳам бормаган аёли вафот этди. Орадан бир йилча ўтгач, унга борсам у йўқ, чойхонада дейишди. Топиб ҳасратлашдим. Мана бу сўзлари унинг руҳиятини тушутириб берди.

— Сталинград жангида 50 даражали совуқда оч, холдан кетган одамнинг қандай қилиб душманини енгганини бир ўйлаб кўринг.— дейди Абдулла ота,— нонин штик билан парчалаб оёқимиз, Дала козондан сузилган иссиқ овкат хандақ (жок)ка етиб боргунча музлаб қолади. Курск ёнида, Орёлда, хорижий мамлакатлар ерларида уруш қилдик. Бу урушнинг нимаалигини ҳамма билади. Қийналадим. Лекин кампирим кетгандан кейинги ахволим урушда кўрганларимдан оғирроқ бўлди.

Файзинисо она 1983 йилда қаҳо қилдилар. Абдулла отанинг пешонасига ўғил-қизлари ҳам сиёмаган эди. Набиралари билан қолди. Демак, ёлғиз эмас, оч ҳам

Сўнги кийналган ёмон

— Уйда ўтиролмайман. Назаримда, келинларим, болаларим ҳам яна кириб келаяпти бу чоғ, деб тургандай бўлаверди. Аслида бунақа эмас, болаларим, келинларим жула меҳрибон, атрофимда парвона бўлишди. Лекин алаҳим «сен сўккабош ҳадеб уйда иверсинди», ёшларнинг кўзига ёмон кўриनावерма, улардан узокроқ юр» деб мени қойиб тургандай бўлаверди. Аёлим раҳматлик ҳаёт пайтида бировдан шу гапни эшитсам, янонам эдим...

Аёл кишини кўпинча яқинлик йўдоши сифатида тушунамиз. Аслида у чинакам сирдош, фикрдош. Юрагингда шундай гаплар бўладикки, уларни на ота-онангга, на ўғил-қизингга, на ака-укангга айтасан. Жуфти ҳалолингдан эса сир сакламайсан. Хотинингга сир айтма, деган эски гап бор. Бу фақат чинакам дўстнинг бўлолмаган, бевафо, бетайини аёлларга исботан тўкилган нақа, холос. Абдулла ота Мусаев чин дўсти, сирдоши бўлган кампирини ҳақида гапирар эди.

— Шунча йил урушларда бўлиб, тўқик марта яраланиб, бунчалик қийинчилик тортмаган эдим.

Отанинг бу гаплари қанчалик маъноли, терең эҳсанни тушушни учун салкам тўқсон ёшди урнинг айрим варақлари оғини очиб жозидир. У Миршаповов дивизи кўмондони, Наримонов комиссари бўлган қисмда бизга шу пайтгача «босмачи» деб тушутириб келинган гуруҳларга қарши жанг қилди. Уша пайтда доворак, ўлимга тик қарай оладиган қизил аскар Абдулла Мусаев Собир Раҳимов билан ҳам бир сафда турган эди. Иноятхон кўрбоси қочгандан кейин А. Мусаев полк мактабида ўқиди. Кейинроқ 1941 йил 22 июлда бошланган қиргин уруш уни ўз сирдобига тортди.

ВИСОЛ БЕКАТИ

БУГУН шайба. Қўл ёйилмай Қосон шаҳри марказидаги аҳолининг граҳданлик ҳолатини қайди қилиш бўлими жойлашган бино олди жуфт-жуфт бўлиб келинаётган келин-куёвлар ва уларни қўриб олган яқин дўсту дўстоналар, қариндош-уруғлар билан гавжумлашиб кетди. Ичкарида мудбир Хосиятхон Норкулова келин-куёвларнинг никоҳ ҳужжатларини расмийлаштиришга шайланмоқда.

Хосиятхон ўн саккиз йиллик иш тажрибасига эга, ўтган йиллар давомида у шахарда қурилган янги оилаларнинг қанча-қанчасига оқ фотиҳа берди. Бу кутуб даргоҳда ўтган йилнинг ўзида 326 келин-куёвга никоҳ ва 1620 ҳақалдоққа туғилиш гувоҳномаси берилди. Бу йил тўйлар яна ҳам кўпайди. Шу кунгача 1300 га яқин ҳақалдоқ туғилди, 400 га яқин келин-куёвга никоҳ гувоҳномаси берилди. Мана, биринчи жуфт келин-куёв аста хонага кириб келишди.

Келинлик Бедал асарларини ўрта-шиддек қўйиб иш. Узбекона квадратлар тиланлаётган, ота-боболарининг қадимий ғўза расм-рўсуемлари турмушта кенг таъбиқ этилаётган хозирги инқилабнинг даврида келин

бўлиш — тоғдек маъсулятни буйинга олиш билан баробар, Хосиятхон ҳар бир никоҳ маросими олдидан, қолаверса, келинлардан арива қабул қилиш чоплариданоқ бунга қайта-қайта ўқтиради, тушутиради.

Шунинг учун ҳам келин-куёв нигоҳидан, кўз қарашларидан вафо ва салоқат маъносини ўқиб Хосиятхон уларни қайта имтиҳон қилиб ўтирмай, никоҳ туғувоҳомасини ёзишга қиринишди. Бу ҳол артадан келгача давом этади.

Шундай қилиб, биргина бугунинг ўзида ўн келин-куёв никоҳдан ўттиришди. Шаҳарда яна ўнла вафода, салодатга йўрилган оила вузудга келди. Ўн йилгит ва ўн қиз мустақил ҳаётга йўлданма олишиб, оила китобининг ила саҳифасини варақдай боқладилар.

Муваззам даргоҳдан шод-хуррам қилинаётган ёшларни Хосиятхон ошпоқ орау-тиллақлар ила қувағиб қўйди. Шундан сўнг бугунги шодлик тантаналарни шайх маҳалларига, ҳовлиларга, тўйхоналарга кўчарди. Бу кунуночу шодликларда, алабатта, Хосиятхоннинг ҳам хиссаси бўлади.

Нормат ТОҒА.

Ота баъзан шукр қилади. Чунки у кўчада қолгани, кенг ховлига қатта уйда ёлғиз хувиллаб ўтиргани йўқ. Катта набираси Бахтиёр келини Каромат уни иззат қилишди, тағига тўрт қават кўрпача солишди. Кичик набира Ихтиёр билан унинг келинчаги Пулатой ҳам «бува, буважон» деб атрофида парвона бўлишди. Шунинг учун кўпинча атрофи мевага сероб қатта уйнинг эшигига қулф солади-да, уларнинг уйига кетади. Бирок ўз уйинг — ўлан тўшагинг экан. Баъзан ўзингни хилватга олиб, ўз уйларинг, хотираларинг билан ёлғиз қолганини истайсан. Шундай онларда Абдулла бобо набираларинг кистовига қарамай ўз уйига йўл олади.

Назариди, уни Файзинисо она ҳавотир олиб қутиб ўтирганди. Хонага кирди-да шойилиб тиловоғ қилади. Шунда кампирини рўпасида пайдо бўлади. «Қийналиб қолмадингизми? Болалар ёшлиқ қилишиб ўқитиб қўйинишмади?» — сўрайди у. Йўқ, дейди ота. Хаммаси жойида: Фақат сен йўқсан ёнимда. Сенсиз бу ҳаёт менга нурсиз, тамсиз. Тезроқ мени ёнингга чақир. «Шошиланг,— дейди кампир,— болалар хали ёш. Уларга ймонлиқни, кадр-қимматни ўргатинг, токи келинлар қувларини, қувлар келинларини тушунадиган, сен ўрнига сиз дейдиган бўлишин. Айтич, дейди чоғ, сен мендан розимисан? Минг марта розиман, дейди кампирини. Фақат бир нарсадан ҳавотирдман, баъзи ёшларда аччиқ ақлдан қутироқ, Эҳтиёт бўлинг, набираларингизга бу иллат юкмасин?»

Отанинг қўзлари чарақлаб очилди, бувининг ҳавотирлиги энди бобога кўчади. У Бахтиёрлар, Ихтиёрлар ҳам худди ўзиндай яшашларини, отани бобоси сингари мўқалда ёшлиқларини истайди. Шукри, Абдулла ота Файзинисо бувини ёлғизлигида ҳам, қартайганда ҳам бекар қилмади, оила ва никоҳни мўқалда деб билди. Агар шундай бўлмагани-да, ёлғиз қолиб, унинг руҳи билан қилган суҳбатлар ҳар гал қалбига найза бўлиб санчлар, ўқиниш изтироблари зугумидан чорасиз қолиб, ўзи тубсиз жарликка тушгандай қийналар эди.

Ушбу сатрларни ёзиб ўтириб, ҳаммага яқин таниш бўлган хушовоз хонанининг бир кўшинини яна бир марта эшитиш иштиёқи туғилди менда. Магнит лентаси секин айланади. Ҳофиз хонин қилади: «... Сўнги кийналган ёмон, сўнги кийналган ёмон». Бу сўзлар мен учун ҳам муқаллада чақирилқай гўё. Ха, дўстлар, мўминлар, оғоҳ бўлинг, хали куч бориди, имкон бориди жуфти халқолингизни қалдринг. Акс холда кейин қаттиқ азоб келасиз. Шоир айтгандай сўнги кийналган ёмон. Шу азобдан асрастин.

Султон САМИЕВ

Бойвот районидagi Усмон Юсупов номли давлат хўжалиги.

Агар оилада қирқинтойимиз оғриб қолса, ҳаммамиз унга парвона бўлаемиз. Тезроқ тузалсин, деб боланинг инжикликларига бардош берамиз. Қўлма-қўл қилиб кўтарамиз, овутамиз. Бу яхши!

Лекин уйда қатта одам қасал бўлиб қолса-чи? Унга бозор локайд қарайمиз. «Хай энди қап-қатта одам ўзини-ўзи парвариллай ола-

МЕҲР ҚОЛУР...

ди. Вақтида дори ичиш кераклигини яқини тушунади. Тузалиб қолар», деймиз Вахотланки, қатталарга ҳам, айниқса, уларнинг боши ёстиққа текканда алоҳида эътибор, меҳр керак.

Мен бу ўринда аёллар ҳақида сўзлагим келади. Баъзи оилаларда келин шомоллаб ёлғиз бўлиб қолса, оёқ уюнда юриб ўтказиб юборади. Кейин унинг асорати қанчалар қийинми! Келинга на эр, на қайнона-қайнопа шароит яратиб беришадил. Сезинса ҳам ёш нараса, деб қўл силтаб қўя қолишадил. Келин беювара қасал хол билан боласига қарайди, оилاداتи уруш овқат пиширади, кир ювади, уй тозалайди.

Уша уйдаги қатгалар келинга меҳр кўрсатиб, ақалдан уч-тўрт

Янгажоним

ЭСИМДА, янгам илк бор хонадонимизга келин бўлиб тушган кеча. Еш эдим, келинчақ деганда дунёдаги ҳамма кишилардан, ҳатто кўшинимизнинг чиройли қизи Хайринисодан ҳам гўзалроқ бир сиймо ҳаёлимни тўлдирар эди. Ажажонимни эса дунёда энг барно йилгит деб билар эдим. Акам ва янгамнинг муносиблиги мени ҳайратга солар, гўё гўдақ қучоғим болалик таажубининг намқуш гулларин билан тўлиб кетган эди. Ушанадаги «Ер-ёр» садолари қулоғим остида жаранглр, келинчақ бўлиш ҳаваси дилнимни ортиқрача бошлаган эди. Келинлик либосини-чи? У худди қўқлаги парча паркут бўлутга ўхшайди. Раҳматли бовимдан «Буви, булут қандай пайдо бўлган?» деб сўрасам, «Оймоманинг икки ўғли бор экан, бири Қун, бири Туй. У Туйбек билан тез-тез учрашиб турса-да, Қунжонин билан ҳеч учраша олмас экан, чунки тонг отиб қолар экан-да. Оймомома кўзига ёш олиб, ўғлига чопон қилиш учун пахта савар экан. Хар саваганида, савачуёри зарбидан пахта патил-патил бўлиб кетар экан. Осмонда сузиб юрган мана бу булутлар Оймоманининг саваган пахталари, болам», деган эдилар. Ростдан ҳам она соғинчи оқ бўлади-да!

ҲА, ҚИМКИ БЕВАЛАРГА РАҲМ ҚИЛМАСА

ҲАФТА ТУГАБ душанба келиши билан «Ишонч»нинг навбатдаги соини ораник қутаман. Уни мутулаа қилиб енгил тортаман. «Дилдағ гаплар», «Биздан сўрасиз», «Атторнинг кутиси», «Оила: қувонч ва ташвишлар» ва бошқа саҳифаларни ҳам севиб ўқиб ҳузур қиламан. Газетанинг 34-сонидаги «Оила: қувонч ва ташвишлар» руқни осонда берилган «Қимки беваларга раҳм қил-

мас!» номли мақоласини марҳум эрим руҳини тонгамасдан турмуш қилишни эп кўрмадим. Бу даврда жулда жулда қийналиб кетдим. Иккинч қўйида ишладим. Беваликни, ёлғизлиқни бошидан ўтказганимга билди. Уму-ман муаллиф айтганидек, беваларга давлат томонидан моддий ёрдам, эътибор қўйиришиши керак.

Норқол РАҲМАТИЛЛА қизи, Жizzах шаҳри.

ПОДА САОДАТОВАНИНГ бундай мақола билишига нима туртки бўлаганини билмайман-у лекин мавзу яна бир-икки йил ишда ақтуал масалалардан бири бўлиб қолади.

Чунки ҳаёт, хозирги ошқорайиб жулда ҳам эриниб бўлса-да, бу масалага инқобийми, салбийми ёлдошнинг мажбур қилади. Дарҳақиқат, мақоланинг охирида, танганинг икки томонини бордиги ва муваффиқнинг қимлар билан ҳамфикрлиги таъкидланган.

Менга, оянгини айтганда, бу масала бўйича муҳоҳаза қилинган «Ишонч» газетасининг 38-сонида берилган «Кундошли уй» мақоласи туртки бўлди. Чунки айним юзасидан жулда кўп мартагиб қабулимга бона аёлларнинг болалари билан муҳтоқлиқ, қийинчилик масалаларида келиб ўтириганини кўрганим. Ҳаётимизда учраб турадиган турмуш шир-чинилари яқини қўлдан чиқиб, бошқарилса олмаётган бозор истисоди диврия қийинчилик қўйишга, айниқса, бева оилаларининг ҳоли тана бўлиб бормасда. Улар учун, болалар учун берилётган товуни нуллари эса бундан оғсиз зинга етмайди. Бу ҳақда мисол келтириш керак бўлса қанча оқ қоғозни қоралаш мумкин.

Раҳнинг дағили шукни, муҳаббат билан

ДОНОХОН АЯ.

«У ёш бола-ку, сизламай қўя қолдинг», десам, менга уялиб-гина жилмайиб қўя қолдилар.

Уйимизга келин келгач, меҳрибон онажоним ҳам уйнидан анча тиниб қолдилар, шунча йил рўзгор қилиб, юмушдан бўшамаган киши овулдаги ҳамсоғлариникига чиқиб тўртта-тўртта гурунқ қиладиган бўлдилар.

Орадан неча йиллар ўтди ҳамки, уларнинг ўртасидан бирор марта қора мушук ўтмади.

Товба, биров буюрмаса ҳам энг оғир ишларга уришиб кетавердилар-а, ўрнтириб қўймаслик учун мен ҳам бориб, бир четидан қўшилиман. Янгамга бўлган меҳр-муҳаббатимни ҳеч яшира олмасман. Баъзида қизик-қизик гаплар айтиб, қулдиришларини бир эшитсангиз. «Муштум»да ҳам бунақа қизик гаплар бўлмайди. Янгам — санъаткор, ҳа, яхши ҳулқ санъаткори. Худо хоҳласа, келин бўлсам, фақат янгажонимдан ўрناق олишни истайман. Янгамнинг бирор-та ҳам ёмон хиллати йўқ, десам ҳеч қим иншонмаса керак-а! Онажоним баъзида айтиб қўядилар: «Болам, янгангни бизга худонинг ўзи етказди. Уни авайла, иззат қил!» Бу гап отамнинг ҳам тилидан тушмайди. Хозир янгамнинг бир-бирдан ширин учта фарзанди бор. Шу қилларда ўзларига овсин изланишлар. Ҳазарига ўхшаганини тилайман...

Гуланом ТОҒАЕВА.



Жонни ўтга солган ул санам кўз қошдур! Ким онинг нақшинда хайрон Руму Чин наққошидур.

Жумабой ҚОЗОҚОВ олган сурат.

БЕКАЛАРГА МАСЛАҲАТ

Бешикдаги бола оғизга зин-хор сўричли ишпадаги суттин солиб, қаровезиз қолдирманг. Сўрич билан оғиздан чиқиб кетса, у нақ боланинг бурни устига туриб қолади. Унга қараб ётаган боланинг кўзи қилайиланб қолшин мумкин.

Эмизганингизда гоҳ ўнг, гоҳ чап тарафга қаратиб эмангиз. Боланинг боши қий-шиқ ўёшнинг олдини оли-синг.

Болани бешикка беланган Тугаб тайёрланган бешикка сип, болани бешикка беланган аввал қорини тўйгазиб олганингиз бешикка беланган хато қилмайсингиз. Бешикдаги бола оғизга зин-хор сўричли ишпадаги суттин солиб, қаровезиз қолдирманг. Сўрич билан оғиздан чиқиб кетса, у нақ боланинг бурни устига туриб қолади. Унга қараб ётаган боланинг кўзи қилайиланб қолшин мумкин. Эмизганингизда гоҳ ўнг, гоҳ чап тарафга қаратиб эмангиз. Боланинг боши қий-шиқ ўёшнинг олдини оли-синг. Болани бешикка беланган аввал қорини тўйгазиб олганингиз бешикка беланган хато қилмайсингиз. Замира РЎЗИЕВА.


«Кундошли уй» мақоласини ўқиб...

дан-кам топсангиз, бева аёлларни, қари қилларини жулда кўп учратин мумкин. Инсон ҳаёт экан, бу «қасалиқ»ни далолат бўлмайди, аксинча, газақ олиб бора-верди. Ҳа, юқориди айтганимдек, сенигизга содиқлар бахтли ҳаётини давом эттираверсинлар. Қанчадан-қанча бемуҳаббат оилалар, бевалар, қари қиллар оила бахтинга сазовор бўлмасинлар-ми? Ҳаётингиз тотай мавасидан бенамаси қолсинларми? Еки яширин «муҳаббат» даъватини суришингизми? Ва бугунроқ, бешикка фарзандлар туғилиб, бир умр ўа оталарини ошқ «лада» дебмасдан ўтишимизми? Мен уларни ёлқмоқчи эмасман, лекин бу ҳаёт, хоҳласек ҳам-хоҳламасек ҳам у давом этади.

Қари энди, ҳамма оилалар муҳаббат эҳтирослари билан сугорилган бўлса, қари қиллик, бевалиқ, бехтеялик бўлмаса, хуфёна учрашувларда дунёга келган бешиклар фарзандларини тақдирини анчили бўлмаса эди, бунга қонуний тус бериш тўғрисида гапириб қуруқ саҳифабозлик бўлур эди, Жамиятимизда булар бор экан,

уларни қандайдир бир йўлга солиш умуми, меҳрибон, инҳоятда ўйлаб, етти ўзчаб бир келиб, қўшни кўрган одамларнинг, олимларининг, қонуниносларнинг, кенг жамоатчилиқнинг фикрига таянган ҳолда маълум бир асосларга (принципларга) мувофиқ қонуний тус бериш фойдасиз ҳоли эмас. Токи моддий томондан; маънавий томондан инқиний никоҳ ҳам давлат муҳофаазасида бўлиши керак, инқиний оиланинг фарзандлари ҳам ўзини ҳар томонлама тўлақонли фарзанд хис қилсин. Шундангина уларнинг тақдирига бефарқлик бархам топади, тарбияси эса жиддий эътибор берилади. Энг асосийси, бевалиқ, қари қиллик бахтсизликларидан эва бўлса-да қутуламиз. Аёллар

Маъруфжон ҲОЖИМУРТОВ, Агроекономик комплекс ҳодимлари қасбда уюшмаси Фарғона шаҳар қўмитасининг раиси.



Атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов туғилган кунга 75 йил тўлиши муносабати билан унинг она юртида уй-музейи очилди.

Суратда: музей залларида.

Нуъмон МУҲАММАДЖОНОВ
олган сурат.

СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ...

ЯРАТГАНГА минг шукурлар бўлсинки, мустақиллик қуёши бақиб чиқди. Шу қуёшнинг нуридан баҳра топиш билан кеча-кундузнинг оғирликларига бардош берди халқимиз, товланди. Бор гапни айтадиган бўлсак, инсоф, диёнатдан жудо бўлган баъзиларга, эл тузини еб, тузлигига тунурганларга худонинг ўзи кўрсатди, эл олдида юзлари қора бўлди. Ҳақиқатни айтиш, адолатни тиклаш учун эртаки-кеч имкон топишгусидир. Атоқли давлат арбоби, халқ севган адиб Шароф Рашидов бизга катта адабий мерос ҳам қолдирди. Унинг 5 жилдлик танланган асарлари жаҳон адабий жағғармасидан ўзига муносиб ўрин олади.

Шу ўринда мен ўзим ёзган

бир шеърни унча-мунча нуқсон учун узр сўраб, сиз хурматли газетхонларга ҳавола қилмоқчиман.

Кўза сиздирган азиру, ариқ қазаган хор бўлдимиз?

Ҳар қаричини эъзозлаган,
ҳар қаричини зеболаган
Ва оқибат кўзин юмгач, парча ерга зор бўлдимиз?

Фарзандлари кўз ёш тўқди,
гам уларнинг бошини эгди,
Ноҳақ тухмат-адонатдан бевақт сочлар қор бўлдимиз?
Қабрингизда чечакларга мустақиллик нур улашди,
Ниҳоят, Бу Туркистонда бир умр баҳор бўлдимиз,
Қаддин тиклаб ўзбегимнинг яна қайта али топгусен,
Шароф ота минг шукурки,
элга ифтихор бўлдимиз?
Қурбоний КАРИМОВА,
кутубхоначи.

БУНДАЙ ОДАМЛАР ЎЛМАЙДИ

БИЗНИНГ оилада Шароф Рашидов номи тез-тез тилга тушиб туради. Бир-биримизга, баъзан эса меҳмон-измонга борсак ҳам унинг халқ тўғрисида қилган ғамхўрликлари, оддий меҳнаткашга нисбатан кўрсатган меҳр, садоқати тўғрисида гап очилаверади. Бошига мусибат тушган кишининг кечаги ёмон куни ҳам жаннатдай туюлади, дейдилар. Шароф Рашидов раҳбарлик қилган кечаги кунимиз ёмон эмас эди. Тошкентда ер қимирлаб, ҳаммаёқнинг вайронаси чиққан кун-

лар енгил бўлди, ахир? Лекин юртимиз бошлиғи Шароф Рашидов экан, ташвишлари енгил кўчди ҳамманинг. Чунки вайроналиклар ўрнида янги кўп қаватли бинолар, кенг-кенг кўчалар, бутун бир шаҳар янгидан қад тиклашига ишонч бор эди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Ободончилик жамол кўрсатди. Шу ишлари рўёбга чиқарган Шароф Рашидов ўзи учун мангуликка ҳайкал қўйиб кетгандай бўлди. Бундай одамлар ўлмайди ҳеч қачон.

М. ИСҲОҚОВА.

ҲАМЮРТИМИЗ НОМИДА

ЖИЗЗАХ вилоят ҳокимлиги Жиззах шаҳрида В. И. Ленин номи билан аталиб келинган шоҳ кўчага Шароф Рашидов номини бериш, муқаддам Ш. Рашидов номи

билан юритилган шоҳ кўчага «Халқлар дўстлиги» номини бериш тўғрисида» қарор қабул қилди.

«ИШОНЧ» мухбири.

Одам одамга Ғанимат

— СИЗГА нима бўлди, Раъно?

Мен бу кизнинг барча яхши-ёмон кечинмаларини табассум орқасига яшириб кўрсатишига одатланиб қолган эдим. Хозир эса қорачиғида халқаланган ёшни кўриб хайрон қолдим. Раъно анчагача индамади. Сўнг: «Совук, жуда совук» деб пичирлади. Мен шундагина унинг жуда юпун кийинганлигини пайқадим. Маҳкам бағримга босиб, йиғидан титраётган елкаларини силадим.

Тошкент — ватан маркази. Ҳамма замонларда бўлгани каби биров ўзи, ўзлигини топиш, ўзга биров яна нималарнингдир илинжида пойтахтга интилади. Лекин, катта шаҳар ҳамма-ни ҳам бирдай бағрига босавермайди. Ғарибу ғурбатлар катта шаҳарнинг қудратли қонулари олдида чуқур янглиғ заиф бир жондек...

Раънони иссиқ айвонга ўтказиб, чой узатар эканман, кўнглимдан шу гаплар ўтди. У ҳам мен каби ўзининг иқтидорига ишониб ўқишни тугатгач Тошкентда қолган. Аммо иши ўнганмади. Ҳамон ишсиз, бошпанасиз юрибди. Раъно боис мен бир яхши инсон хотирасини ёдладим ва унинг руҳи олдида қарздорлигимни яна бир қарра чуқурроқ хис этдим.

...Мен ҳамюртим, муҳтарам домла Матёқуб Қўшжонов кўмағида хозирги Алишер Навоий номли Тил ва Адабиёт институтига вақтинча ишга жойлашдим. Шу институтда яна бир ҳамюртимиз Абдулла Матёқуб ҳам ишлардилар. Мен у киши билан кишлоғимизга халқ оғзаки ижоди материалларини йиғиш учун боришганда танишган эдим.

Тошкентга келгач, уларига бордим, оила аъзолари билан танишдим. «Ижара уй топгунча» деб майда-чуйдаларимни уларниқанда қўйиб турдим. Лекин ҳадеганда ижара уй топилавермади. Бир-икки кун ўртоқларим, таниш-билишларимникига бориб юрдим-да, кейин иш жойимда тунай бошладим. Хонадошларим кетгач, эшикни ичкаридан қулғаб олардим-да, қош қорайгунча китоб ўқирдим. Қоровул билиб қолса ҳайдайди, деб чирок ёкишга кўрқардим. Аввалига бироз кизиқарли кўринган бу ҳаёт тарзи бора-бора мени зада қила бошлади, вақт кечга яқинлашган сари юрагим безиллайдиган бўлди. Шундай кунлардан бирида Абдулла акани йўлакда кўриб қолдим.

— Ишлар қалай, шоир? — дедилар. (У киши ёзиб-чизиб юрадиганларни одатда шундай атардилар.) Тўлиб турган эканманми, йиғлаб юбордим.

— Ие, бу нимаси? Шоир ҳам бировга кўрсатиб йиғлайдими, — дедиларда, сўнг юр, уйга, деб бошлаб кетдилар. Шу-шу уларнинг Қорақамишдаги каталакдек икки хонали уйларида уч ойча яшадим. Бу уйда мендан бошқа ҳам ҳамюртларимиз бор эди. Уларнинг баъзилари абитуриент, баъзилари дардига шифо излаб келганлар... Баъзан кечкурун хонтахта атрофига сиғмай кетардик. Аммо Абдулла ака ҳам, рафикалари Сўно опа ҳам бирор марта ковок уймасдилар. Ҳолбуки, Абдулла ака нари борса 250 сўм ойлик олардилар. Рафикалари ҳам арзимаган маошга ишлардилар, тўртта фарзандлари бор эди, ушанда. Энди йўлаб кўрсам, тирикчиликлари оғир экан уларнинг. Аммо буни бизга сездиришмасди. Бунинг устига, кишлоқдан келмаганимизни, баъзи нохушликларни ҳам қилиб қўярдик. Бир марта эътиборсизлик қилиб кечаси ваннани тошириб юборибмиз. Пастдаги қўшнилари тўполон қилиб чиқибди. Шунда ҳам Абдулла ака бир оғиз каттик гапирмаганлар. «Ха, энди

Бўзепнинг суви деб ўйлаган-да, ўзи оқаверади, деб» дея ҳазиллашганлар, холос. Балки, ўша қўшнилари тинчлитиш учун пул беришгандир. Ҳар ҳолда биз ҳеч нарса сезмаганмиз.

Мен бу уйда илк бор Азим Суюн, Хуршид Даврон каби шоирларни кўрганман. Бугун ошқора айтилаётган хатолар Абдулла акаларнинг дастурхони атрофида айтилганди. Ўша пайтлар мен бу суҳбатларга аралашшига ботинча олманган эсамда, девор ортидан эшитиб ҳам кўп саволларимга жавоб топгандай бўлардим.

Кейин ижара уй олиб кўчиб кетгандан сўнг ҳам уларнинг уйларига тез-тез бориб турдим. Доим одамларга тигиз шу уйда менга бир кенглик, эркинлик бордай туюларди.

...Абдулла ака айни камолот ёшларида ёмон касалга дучор бўлдилар, касалхонага йўқлаб бордим, рафикалари ёнларида эди, озиб-тўзиб кетганларига қарамай руҳлари тетик эди.

— Китобингни ўқидим, сен бир оз ўзингни қисиб ёзганга ўхшайсан. Шеър чиқадими, йўқми, ўйламасдан ёз, ўзингни шеърдан бекитма, — дедилар.

Шу уларнинг менга сўнги насихатлари экан. ...Йиллар ўтиб кетди. Абдулла аканинг рафикаси, фарзандлари шу ерда яшашларини билман. Уларнинг катталари уй-жойли бўлиб кетишган, бироқ ўз-ўзим билан бўлиб уларни Абдулла аканинг маъракаларидан сўнг йўқламай қўйдим.

...Абдулла ака шеър, ҳикоялар ёзардилар, адабиётшунослик билан шуғулланардилар. Энди йўлаб қарасам, улар бу ижодий ишлар билан жиддий шуғулланишга имкон тополмаган эканлар. Биттамызга ижара уй ахтариш, биттамызнинг ҳужжатимизни топшириш, биттамызни касалхонага ётқизиш... Абдулла аканинг умри ана шу тарзда бизга — ҳамюртлари умрига сочилиб кетган экан. Улар тунда узок ўтирардилар, ишхонадаги заҳмат, ишдан сўнг болаларининг хархашаю инжикликлари, келди-кетдилар... ҳамма ухлагач, кечаси ижод. Эҳтимол, узок толиқишдан сўнг қалам ушлаганликлари учун ўз имконлари даражасида ишлай олмагандирлар.

...Хозир шу сатрларни титраб ёзиб ўтирибман-да, Абдулла аканинг кичкина жуссалари кўз ўнгимда, гўё улар хозир ҳам ҳеч нарсадан пушаймон эмасдан, шундай яшаш учун дунёга келгандай босик, вазмин, овозларида ўзларига ишонч...

Мен ўша пайтларда Абдулла ака ва рафикаларининг одамгарчиликларини худди шундай бўлиши керакдай оддий қабул қилардим. Битта мен эмас, ҳаммамиз шундай ўйлардик, назаримда. Энди эса бундай одамгарчилик ҳамманинг, кези келганда, ўзимнинг ҳам қўлимдан келмаслигини билман. Тирликларидида Абдулла акага бирон марта «Раҳмат» дедимми, йўқми... Кейин мусофир шаҳарда бошпаносиз қолган Сўно опага айтолдимми шу миннатдорчилигимни. Бугун бу ўқинч, бу армоннинг оғирлигини бор бўйи билан хис этдим. Абдулла аканинг нурли хотиралари олдида бош эгиб, ҳазрати Бобур сўзлари бўлиб аввало ўзимга, сўнг ўзим кабиларга сўйладим:

Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат
тутунгиз,
Жамъиятингиз борини давлат
тутунгиз,
Чун гардиши чарх будурур, тангри
учун,
Бир-бирни неча куне ғанимат
тутунгиз!

КҮТЛИБЕКА




АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Омонатни фақат нақд пул қўйиш билан эмас, балки пул ўтказиш йўли билан ҳам кўпайтириш мумкин эканлигидан хабарингиз борми?

Бунинг учун ўзингиз ишлаётган корхона ёки ташкилот бухгалтериясига пул даромадингиздан маълум қисмини омонатингиз ҳисобига ўтказиш тўғрисида ариза ёзиб берсангиз бас.

Сиз маошингиздан, нафакангиздан, мукофот пулидан, кўп йиллик хизматларингиз учун бериладиган қўшимчалардан, шунингдек суғурта суммасидан омонат ҳисобига ўтказишингиз мумкин.

Пул маблағини ўтказиш усули Сизга шахсий бюджетингизни тўғри ташкил этишга, даромадлардан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланишга, вақтни тежашга, энг муҳими — нақд пул қўйиш билан боғлиқ оврагарчиликлардан ҳоли этишга кўмаклашади.



МУАММОЛАРИНГИЗНИ БИЗ ҲАЛ ҚИЛАМИЗ



«NURSE» —
«НЯНЯ» — «ЭНАГА»
акционерлик компанияси **ЯНГИ ХИЗМАТ
ТУРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**, яъни болаларни парваришlash ва унга қараб туришда ёрдам беради.

Биз сизнинг буюртмангиз асосида уйингизга энага юборамиз. Сизлар ийга, ўқишга, дўконга, театрга ёки меҳмонга кетганингизда у болаларингизга қараб туради.

ЭНАГАНИ

- бир неча соатга, бир кунга, бир ҳафтага ёки шартнома тузиб, узоқроқ муддатга,
- бола касалликдан тузалгунча,
- фақат очик ҳавода сайр қилдириш учун таклиф этиш мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам энага нима ишлар қилиши кераклиги тўғрисида алоҳида келишиб олинади.

● Шунингдек, компания болаларни яхши кўрадиган ва улар билан ишлашни хоҳлайдиган барча кишиларни ҳамкорлик қилишга таклиф этади.



«NURSE» —
«НЯНЯ» — «ЭНАГА»
**АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ ЭНАГА-
НИНГ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ БУЛИШИГА КА-
ФОЛАТ БЕРАДИ:**

Уларнинг ҳар бири махсус касб тайёргарлигидан ўтган. Кўрсатиладиган хизматларнинг батафсил рўйхатини қуйидаги телефонлар орқали билишингиз мумкин:
33-83-77, 32-53-43, 32-58-13.

Буюртма бериш учун манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, «Правда» газета кўчаси, 41 уй. («Шарқ» нашриёти-матбаачилик концернининг кўп қаватли бино вестибюлида буюртмалар учун махсус қути бор.)

«NURSE» —
«НЯНЯ» — «ЭНАГА»
акционерлик компанияси.

Pierre Cardin
INTERNATIONAL CIGARETTE

«ПЬЕР КАРДЕН» — ТУРКИЯ ТАМАКИСИНИНГ ЭНГ ХУШБЎЙ НАВЛАРИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ЭЛИТА СИГАРЕТИ

Кўриниши жозибали, тамакиси юксак сифатли, зарарли моддалари ниҳоятда оз бўлганлиги учун ҳам «Пьер Карден» сигаретлари энг харидоргир ҳисобланади. Унинг узунлиги — 100 мм., қаттиқ қоғоз қутчаларга жойлаштирилган.

Янги йилгача бир ярим ойча вақт қолди. Балки сиз «Пьер Карден» сигареталарини танларсиз?

Тошкент омборхонасидан улгуржи савдо қилинади.

Жами — 40 минг қутича. Бир қутича сигаретанинг баҳоси — 180 сўм. (Нақд пулсиз ҳисоб буйича). Олдиндан 100 фоиз ҳақ тўланади.

Маълумот учун телефонлар: 33-83-77, 32-53-43, 32-58-13.

БУЮРСАНГИЗ БАС

«Ишонч» газетаси таҳририяти киска муддатда таклифномалару ташрифномалар, (визитқалар)ни, фирма бланкалари-ю этикеткаларни, ёрликлару нархномаларни тез ва сифатли тайёрлаб беради, турли хил матнларни кўпайтириш ишларини бажаради.

Бизга буюрсангиз бўлгани

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳар,

«Правда Востока» кўчаси, 24-уй,

74-хона

Маълумот учун телефон: 56-87-59.





ҲАШАРОТ ВА ГАЗАНДАЛАР ЧАҚҚАНИДА



ТАБИИЙ ҳол, ҳаётда фавкуллода ҳодисалар, аянчли тасодифлар содир бўлиб туради. Хонадонда, боғда, боғчада, қолаверса далада, чўли-биёбонларда, тоғу тошларда кишига озор берувчи, маълум даражада азият чектирувчи ҳашаротлар ва газандалар учрайди. Айниқса, тегишли мутахассисликка эга бўлган кишилар (геологлар, маъданшунослар, иқлимшунослар, табиат ошувталари ва бошқа), шунингдек чўпонлар, йилқичилар, асаларичилар, кўйингчи, сафарга чиққанлар, сайёҳлар, барча дала юмушлари билан банд бўлган кишилар турли ҳашарот ва газандаларга учраб турадилар. Жумладан, жойига қараб улар чивин, ари, қорақурт, илон, чаён кабилар бўлиши мумкин.

Кишига тажовуз қиладиган айрим ҳашаротларнинг чақиши нафақат кишига нохуш ҳолат кўзғатибгина қолмай, балки заҳарланишга олиб келиши мумкин. Бир тоифа ҳашаротлар давоси мураккаб касалликларга чалинтиради. Чунинчи, айрим чивинлар безгак, ёмон жароҳат бериб, оғир касаллик юқирса, баъзи ҳашаротлар терлама, сариқ касалликларнинг авж олишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳар ҳолда инсон саломатлиги учун хавфли ҳашаротлардан, шунингдек, оғир заҳарланишни келтириб чиқарадиган газандалардан эҳтиёт бўлиш, иложи борича улар билан курашиш, ўз вақтида тадбиркорона даво амалларини қўллаш катта аҳамият касб этади.

АРИ ЧАҚСА

ОДАМ бор жойда ариллар бўлиши табиий. Одатда ариллар инсоннинг хатти-ҳаракатига лоқайд бўлсалар-да, ўзлари учун хавф сезган дамларда чақадилар. Арилларнинг бир қатор турлари мавжуд бўлиб, улар фақат кўри-нишлари билангина эмас, балки чаққанида берган асоратлари билан ҳам фарқланадилар.

Қовоқ ари, тулкиари, чумак ари, асал ари каби арилларнинг чақиши турли даражада кишига азоб беради, уларнинг баъзилари чақиш билан ўзларини ўлимга «маҳкум» этади.

Ари чақиши билан боғлиқ бўлган фоживий ҳоллар содир бўлганлиги ҳақида, айниқса одам юзини, лабларини, қовоқ, бурунни чаққанида озорланган кишини ўлдиргани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Арининг безларида чумоли кислотаси мавжуд бўлиб, у қон ичига тушса периваскуляр тўқималарни қавартириб, шишириб юборади.

Мабодо ари чақиб олган бўлса, биринчи навбатда арининг ниши авайлаб олиб ташланади. Уни ситилиб, ичидаги заҳар яна организмга кириб кетмаслиги учун эҳтиёткорлик билан олинади. Уй шароитида ари заҳарини зарарсизлантиришда новшадил спиртидан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ушбу мақсад учун фенолли, хлорли ёки бромли сувлардан фойдаланиш ҳам ижобий натижа беради. Бу борада совуқ босма (компресс), намли тупроқ, артилган картошка бўлаги, муз

солинган пуфак, мойларнинг суртилиши ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди. Агар ари одамнинг лаби ёки оғзининг шиллиқ пардаларидан чақиб олса (бу ҳол кўпинча, чанқаб турган киши чойгум, чойнак жўмрагидан сув ичганида, фавкуллода содир бўлиши мумкин) кечиктирмай муз лўқмаси қўйилиши керак.

Одамни ариллар тўдаси чаққан бўлса ҳам ҳашаротларнинг нишларини оҳисталик билан олиб ташлаш керак, сўнгра нутрунли (содали) жом ёки обзанларни (ванна) қабул қилиш лозим.

Мабодо одамни асалари чаққан бўлса, ишқорли босмалардан фойдаланиш даркор, агар чумак ари чақса, сирка ёки лимон кислотали босмалардан фойдаланиш керак бўлади. Лимон шарбатидан ҳам фойдаланиш мумкин. Асал ари ҳамда чумак ари чаққанида магний сульфатнинг тўйинган эритмасидан фойдаланиш ижобий натижа беради. Ари чаққанида жароҳатланган жойга 1—2 томчи сабур (алой) тиндирмаси (настойка)дан томизиб, бир неча минут ушлаб туриш яхшидир.

Ари уяси бор ёки борлиги гумон қилинган жойларнинг олдида боришда ёхуд бузишда жуда эҳтиёткорлик лозим. Арилари бекорга безовта қилиб бўлмайди. Қуёш ботганидан сўнг, ари уясига бироз керосин ёхуд органик эритувчи пуркалса индаги барча ариллар бир зумда қарахтланиб ўлади. Шундан сўнг инни бузиш мумкин.

ЧИВИНДАН ҲОЛИ ҚИЛАДИ

ОДАТДА чивинлар зах, намли, сув ҳавзалари бор жойларда макон қуради. Йилнинг илик кунлари чивинлар кўпая боради. Айниқса, кечки пайтлар, ҳавода шабада бўлмаган вақтларда галалашиб учадилар.

Шаҳар шароитида чивинларни йўқотиш учун аввало халқопланиб, димланиб қолган сув, кўлмакларни қуритиш керак. Сизот сувлари чиқиб ётган ерлар, ертўлалар, димланиб турган зовур сувларини қуритиш ёхуд мазкур жойларни беозор дорилар билан ишлов бериш нафақат чивиннинг ғумбакларини, ўзларининг ҳам камайиб кетишига ёрдам беради. Унча катта бўлмаган халқоп сувларда чивинлар макон қурмаслиги учун сув юзасига озроқ миқдорда керосин сепиладиган бўлса, у сув юзасида юпқа парда ҳосил қилиб, чивин ғумбакларининг қиррилиб кетишига сабаб бўлади.

Чивинларнинг одамга ҳужумини қайтарувчи содда амаллар мавжуд. Бунинг учун ўсимлик мойлари бўлмиш арпабодийен, қалампирмунчоқ, эвкалипт мойларининг биридан 30 томчи

олиб 50 грамм (миллилитр) атир ёхуд арақ билан аралаштирилгач, уни баданининг айрим жойларига суртилса чивинлар яқинлашмайди. Чивин чаққан жойга баргизўб ўтининг барглари-ни бармоқ воситасида қисиб, шарбатини ёки алой шарбатини суртиш мумкин. Шунингдек, қорақиз ўсимлигининг ўти ҳамда гулларида тэйёрланган қайнатма ҳам ижобий натижа беради. Бунинг учун 2 ош қошиқ қорақиз ўтини 1 стакан қайноқ сув билан 20 минут давомида дамлаб қўйилади. Дамлама шарбати билан чивин чаққан жойлар артилади ёхуд умумий «эшак-ём» хуруж қилганида 2 ош қошиқдан (унга бироз сув қўшиб) ичиб турилади.

Умуман, ўзида эфир мойлари сақлаган ўсимликлар чивинларни «ҳайдаш» хусусиятига эга, бу борада исриқ тутатиб қўйиш ҳам маълум даражада чивин чақишидан ҳоли этади. Ҳозирда саноят миқёсида чивинларга қарши воситалар чиқарилмоқда, жумладан ўзида ўсимликларнинг эйфор мойларини сақловчи «Тиль» препарата мавжуд.

ЧАЁН ЗАҲАРИ

ЧАЁН энг заҳарли ҳашаротлардан бири ҳисобланади. Баъзи кексалар чаёни ўз номи билан аташни маъқул кўрмай, уни баъзан «эшшак» ёки «оти йўқ» деб аташади. Ҳақиқатан, чаён номини эшитишнинг ўзи даҳшатли шарпадек туюлади. Чаёнлар одатда тошлар остида, кесак, гувалалар орасида, пахса девор тиркишларида, хараба жойларда яшайди. Улар тунда овга чиқиб, турли ҳашаротлар, ўргимчаклар, минг оёқлар билан овқатланишади.

Чаёнлар хавф-хатарни сезгандагина одам ва ҳайвонларни чақади. Унинг заҳари сувда тиниқ эритма ҳосил қила оладиган токсальбуминларга кирди. Заҳарнинг таъсирчанлиги йилнинг фаслига, чаёнинг тури ҳамда катта-кичиклигига боғлиқ. Шунингдек, чаён чақишидан олдин заҳарини сарф қилган-қилмаганлигига қараб таъсири турлича бўлади.

Чаён чаққан жойда кучли оғриқ пайдо бўлади. Оғриқ тез бутун баданга тарқалади. Чаён чаққан жой қизишади, шилинқирайди, баъзан озорланган жойларда пуфакчалар пайдо бўлади. Заҳарланган кишида умумий ҳолсизланиш рўй беради, тана ҳароратининг кўтарилиши кузатилади, тиришиш содир бўлиши мумкин, юрак фаолияти сусаяди, нафас олишда ўз-

гаришлар ҳосил бўлади. Бош гангиб, айланади, оғрийди, эти увишади ва ниҳоятда азобланиши кузатилади.

Чаён чаққан замон, унинг заҳарини йўқотишга ҳаракат қилинмоғи даркор. Е. Н. Павловскийнинг берган маълумоти бўйича, чаён чаққан жойга зудлик билан новшадил спирти суртилиб, иссиқ тутилади, ўша жойга саримсоқ ёки пиёзни эзиб қўйиш ҳам одамга анчагина энгиллик беради. Шунингдек, чаён чаққанда хлорли оҳак эритмаси билан бўктирилган пахта босиш ёхуд калий парманганат (марганцовка)нинг 1:1000 нисбатидаги сувли эритмаси ёки новокаиннинг 2 фоизли эритмаси билан ишқаланади. Беморга оғриқ қолдирадиган ҳамда юрак фаолиятини уйғунлаштирадиган дорилар бўюрилади.

Чаён чаққанда бепарволик қилиб бўлмайди. Юқорида зикр этилган содда тадбир-амалларни қўллаш билан бирга шифокорнинг малакали ёрдами керак бўлади.

Н. МАЖИДОВ,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор
Э. ЖУРАЕВ,
доришунослик фанлари номзоди,
М. НАБИЕВ,
доришунос.

СОЧ ТЎКИЛМАСИН ДЕСАНГИЗ...

ИНСОНГА ҳусн ва фазилат бағишлайдиган табиий воситалардан бири соч эканлиги барчага маълум. У кишига кўрк ато этибгина қолмай, саломатликини сақлаш бобида ҳам фойдаланиши билан ажралиб туради. Жумладан, у бошни қуёшнинг тигиз таъсиридан, аёз совуғидан, турли ғуборатлардан, қолаверса, энгил шикастланишдан муҳофаза этиб, ўзгарувчан иқлимга нисбатан мўътадиллик яратади.

Маълумотларга қараганда, кунига соч толасининг 50 донаси тўкилиши табиий ҳол ҳисобланади. Лекин бемавруд соч тўкилса, кишида қандайдир ички изтироб пайдо бўлади. Бу ҳолат айниқса аёлларга руҳий изтироб беради.

Сочнинг кўплаб тўкилишига бир қатор физиологик ҳолатлар, жумладан, киши аъзоларининг фаолияти ҳам сабаб бўлиши мумкин. Мабодо бирор бир хасталик оқибатида сочлар тўкилиб кетадиган бўлса, у ҳолда фақат махсус малакага эга бўлган шифокорнинг маслаҳати ва тавсияси билан даволаниш лозим бўлади.

Аваллабор, соч орасталлигига эътибор бериш, шунингдек, тўғри овқатланиш кўп жиҳатдан сочнинг яхши, рисоладагидек ўсишига ёрдам беради. Таом таркибида «А» дармондориси бўлиши бево-сита равишда сочнинг табиати-

га ижобий таъсир кўрсатади. Мазкур дармондори табиат неъматлари бўлмиш **сархил сабзи, памидор, кўк пиёз, яшил нўхат, карамда, шунингдек, балиқ мойи, сариёғда салмоқли миқдорда бўлади. Бир қатор наботот намуналарида, сабзавот, резавор ҳамда меваларда бу шифобахш омил каротин (провитамин «А») кўринишида бўлади. Чучук қалампир, шовул, исмалоқ, ровоч, наъматак, ўрик, туршак, баргак, шафтоли, четан мевалари** каби табиат эҳсонлари инсон аъзоларига қувват бахш бериш билан бирга соч илдизининг мустаҳкамланишига ҳамда жадал ўсишига ёрдам беради. Юқорида зикр этиб ўтилган неъматларни турфа кўри-нишда, жумладан ошқўк, кўнгилочди (салат), суюқ-куюқ таомларга қўшиб тановул этилиши ёхуд бево-сита истеъмол этилиши мумкин.


Соч парваришда қўлланувчи оддий амаллардан яна бири **қатиқ воситасида сочни ювиб туриш** ҳисобланади. Илмий тиббиётда инобатга олинган халқ табobati амалларидан яна бири — **ўткир қалампирнинг спиртли тиндирмасидир.** Қалампирли тиндирма билан соч илдизлари ишқаланса — соч ўсиши уйғунлашади. Қалампир тиндирмасини уй шароитида ҳам тайёрлаш мумкин. Бунинг учун ўткир таъмли қалампирнинг 6 grammi 200 грамм арақ-

қа солиб бир неча кун мобайнида сақланади.

Бош пиёз асосида соч ўстирувчи ҳамда илдизини мустаҳкамловчи туркона дори-дармон тайёрлаш ҳам мумкин. Бунинг учун **30—50 грамм пиёз пўстидан олиб, устига ярим чойнак миқдорда (200 грамм) қайноқ сув солиб, 20 минут давомида энгил аланга устида қайнатилади. Қайнатма сузилиб, шарбати билан тоза ва қуруқ сочлар артилади.** Илмий манбаларга қараганда, бош пиёз пўсти таркибида ранг берувчи кварцетин модда бўлиб, у ўз навбатида сочга ёқимли жилоланиш беради. Аниқ илмий манбаларга қараганда, **сархил пиёздан тайёрланган бўтқа билан сочга ишлов берилса, унинг ривожланиши ошади.**

Сочни мустаҳкамловчи беозор табиий воситаларга **қариқиз илдизидан тайёрланган мойли суртма, қайнатма** сифатида ташқи муолажа қилиш ҳам яхши натижа беради. **Оққалдирмоқ барги ва газандаўтдан тенг миқдорда олиб, қайнатма тайёрлаб бош ювилади. Қўлмоқ ғуддаларидан тайёрланган қайнатма билан газандаўт қайнатмаси билан ҳам бош ювилса бўлади.** Қорандиз илдизидан тайёрланган қайнатма шарбати билан соч чайилса, ижобий натижага эришилади.

Доно ХУЖАЕВА,
доришунос.



Қўлингиз энгил бўлсин, шифокор!

«ИШОНЧ»ГА ТАКЛИФЛАР

БАХОРда барча ишларингизни кўйиб кўчат экин, дейилган экан мўътабар китобларда. Раҳим ака умр бўйи шу нақлга амал қилиб келаяпти. Собик Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғига раҳбарлик қилган кезларда кўл атрофи ям-яшил хиёбонларга бурканди. Кейинчалик у республикада Миллий боғига асос бўлди.

Раҳим ака узок йиллари «Ғалаба» маданият ва истироҳат боғига ҳам раҳбарлик қилди. Бу йилларда боғ бағри янада кенгайиб, меҳнатқашларнинг ҳақиқий оромгоҳига айланди...

Акмал Икромов райони янги ташкил этилган кезларда Раҳим акадан шу томонларда янги боғ яратиб беришни илтимос қилишди. Чунки боғ ишини йўлга қўйишда Раҳим аканинг ташкилотчилиги, тадбиркорлиги ва уддабуронлиги га ҳамма тан берарди.

У урушдан кейинги йилларда қатор район ва шаҳар маданият бўлимларига бошчилик қилиб бир қатор хиёбонлар, маданият ва истироҳат боғларига асос солган, уларни яшнатган эди. Тўпланган тажрибаларини ҳисобга олиб Раҳим акадан янги район учун ўзига хос, шарқона усулда кўркам боғ ташкил этиб беришни илтимос қилишди.

ЯХШИДАН БОҒ

Уетоз боғбон бу гал боғ яратишнинг ўзига хос йўлидан борди. Раҳим ака янги ташкил этилган маданият ва истироҳат боғига фақат мевали дарахтлар эктирди. Биринчи йил беш юз туп кўчат экиб тўла ундириб олишди. Кейинги йилда яна беш юз туп экишди... Шу тарика боғ салкам беш минг туп мевали дарахтларга бурканди. Уч-тўрт йил ўтмай уларнинг олди ҳосилга кирди. Мана энди оромгоҳга келган киши дам олиш билан бирга саҳий боғ меваларидан ҳам баҳраманд бўлиб, унинг ижодкори шаънига тасаннолар айтмоқда.

Камтарин меҳнати билан шаҳримиз экологиясини соғломлаштиришга бекиёс хисса қўшаётган, дастурхонимиз мева-чевага тўқин бўлсин дея янги боғлар яратаётган соҳибкор бугун эл қафтида: Акмал Икромов район жамоатчилиги маданият ва истироҳат боғи директори Раҳим ака Тешабоев туғилган куннинг 75 йиллиги, меҳнат фаолиятининг 50 йиллигини муносиб нишонлади. Шу кунни район ҳокимлигининг катта мажлислар зали Раҳим аканинг ҳамкасблари, ёр-биродарлари, қариндош-уруғлари билан гавжум бўлди. Район маданият бўлими ўқазиб келаятган «Эъзоз» дастурининг навбатдаги сони Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Раҳим ака Тешабоевнинг ҳаёти ва меҳнат фаолиятига бағишланди.

Сўзга чиққан район ҳокими Осимхон Алихўжаев, Тошкент шаҳар маданият ишлари бош бошқармаси бошлиғи Саид Олимхўжаев, «Дўстлик» маҳалла кўмитаси раиси Рустамбек Султонбеков, элшунос олим Билол Аминов ва бошқалар маданий ҳаётимизни ривожлантиришда, кадрларимизни тиклашда Раҳим ака қўшаётган хиссани алоҳида таъкидлаб гапирдилар. Шўх кўшиқлар янгради, жажжи набиралар сахнани тўлдириб рақсга тушишди. Район маданият бўлими мудир Музаффар Жаъфаров, Охунбоев номли ёш томошабинлар театри актёри Баходир Нишонов ўқиган шеърлар завққа завқ қўшди.

Ҳозирги қийин шароитда киши кўнглини овлашган ҳам савоб иш йўқ. Шундай экан, бир-биримиздан табассумимизни, ширин сўзу эътиборимизни аямайлик, азизлар!

«ИШОНЧ» мухбири

ДИЛ СУЗЛАРИМни битар эканман, аввало «Ишонч» газетасига бўлган ишончимни изҳор этиб, шундай оғир иқтисодий шароитда меҳнатқаш аҳлига маънавий ва руҳий мадад берувчи фикрлари учун миннатдорчилик билдиргим келади. Шу сабабли «Ишонч»ни ҳамма севиб ўқийди, деб ўйлайман. Энг муҳими, газетада бошқа газеталардаги фикрлар қайтарилмайди, айниқса, касабга уюшмалари фаолиятига катта эътибор берилади. Бу айни муддаодир. Шунга қарамай мен ҳам айрим таклифларим борлигини айтмоқчиман: «Адолат тарозиси» ёки «Ибратли ҳикоялар» рўқни остида республика раҳбар ходимларининг жойлардаги муаммолар, қийинчиликларни ижобий ҳал қилиш бўйича олиб бораётган амалий фаолиятлари, оддий кишиларга бўлган савобли ишлари, ғамхўрликлари батафсилроқ ёритиб турилса. Шунингдек, меҳнатқашларнинг бир ой мобайнида касабга уюшмаларига қарашли санаторийларда қандай дам

олиб ҳордиқ чиқариб қайтишлари натижасида хизмат вазифалари бўйича ишлари унумли бўлаётганини, меҳнатни улуглаш мавзусида эса «Ёш оиланинг эртаси», «Сиз нима дейсиз, отахон!» рўқнлари билан материаллар бериб турилса нур устига нур бўларди...

Абдурасул ДУСТМУРОДОВ,
Тошкент шаҳар 3-билим юрти касабга уюшмаси раиси.

ГАЗЕТАЛАРНИ чиқариш борасидаги маблағ муаммоси ҳаммани жиддий ташвишга солиб қўйган. Қоғоз тақчил, қиммат. Шунинг учун мен ҳам «Ишонч»нинг ихлосманларидан бири сифатида қуйидагича таклиф киритаман: назаримда газетада ёш ижодкорларнинг шеър ва ҳикоялари ўз пуллари эвазига бериб борилса яхши бўларди. Ҳам ижодкорга фойда, ҳам газетасига.

Сайидазам РУСТАМОВ,
Жиззах вилояти, Дўстлик райони.

СИЙНАДАГИ САНЧИҚЛАР

МИЛЛИЙЛИК деганда биз ўз тилимиз, урф-одатларимиз, динимиз, маданиятимиз, юриш-туришимиз, миллий қийинчиликларимизни тушунамиз. Ниҳоят, ана шу ўзгичимиз қайтариб берилди. Мактабларда ўз тилимизга эътиборни кучайтириш билан бирга миллий маданиятимизни ўргана бошладик. Шу қаторда миллий мактаблардаги айрим муаммоларни ҳам миллийча ҳал этишга муддат етди, шекилли. Шундай экан, ҳозирги мактабларда кезлар билан ўғил болаларни алоҳида-алоҳида ўқитиш масаласини ҳам кўриб чиқиш зарур. Шунда йигит-қизлар ўртасидаги ўзаро иззат-ҳурмат, ифрат, ҳаё сакланиб қолади. Бундан ташқари ҳозир ҳам кўпчилик мукамалроқ билмайдиган Муҳаммад пайғамбаримиз ҳақида, буюк алломаларимиз Аҳмад Ясавий, Сўфи Оллаёр, Насриддин Рабғўзий, Имом ат-Термизийлар ҳаёти ва таълимотини ўрганишни тезроқ йўлга қўйилса, деган тилагимиз бор.

Норбиби НОРҚУЛОВА,
Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтининг 5-курс талабаси.

МЕН Тошкент вилояти, Бўстонлик район, Хондайлик қишлоғига жойлашган «Электрон» оромгоҳининг пойдеворини қўйишдан бошлаб ишлаб келардим. Бирон марта меҳнат тартибини бузган эмасман. Эндиликда қисқартирилишга тушдим. Етти ойдан бери беишман. Менга ўхшаш яна беш ҳақиқий жафокашнинг бошига шундай кун тушди. Бундай камситилшларга чидаб бўладими? Шу ҳақда бош директорга мурожаат қилсам, у эшитишни ҳам истамди. Бунақада қачон ҳақиқат қарор топади?

Темур САРИЕВ,
хатга яна беш киши имзо чеккан.

ХУРМАТЛИ ТАХРИРИЯТ! Сизларга мактуб йўллашдан бўлак чора қолмади. Чунки жамоа хўжалигимиз раиси, депутатларга бу ҳақда мурожаат қилавериб чарчадик. Ҳеч қандай фойда йўқ. Гап шундаки, биз яшаб турган қишлоқ қад тиклаганига эллик йилдан ошди. Шундан бери хатто юриш учун йўқ йўқ. Қишда ботқоқ, ёзда чанг-тўзон. Қўшни жамоа хўжалиқларининг асфальт йўллари, обод, газлаштирилган гўшаларини кўриб, ҳавасимиз келади. Ахир, биз томонлар ҳам обод,

1966 йилда туғилганман. Ўзбекистон халқ демократик партиясининг аъзосиман. 1989 йилдан бери Янгиобод қишлоқ шўросида меҳнат йўриқчиси вазифасида ишлаб келар эдим. Ишимдан мамнун ва мактовларга созоворлигим туфайли кўнглим тўқ эди. Лекин нимагадир 1992 йилнинг 22 июли кунни мени оғох этдирмай, тасодифан, конунсиз равишда ишдан бўшатишди. Мажлиса иштирок этганлар ҳам нотўғри ишдан бўшатишганини таъкидлаб, мени ёқлаб чиқишди. Бирок, район ҳокимияти кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Д. Бокиров «Яқинда қишлоқ шўроси раиси нафақага чиқади, сени химоя қилувчи ҳам йўқ энди!» деб мени юпатган бўлди. Шу адолатданми?

Хўжамқул ТўРАХОНОВ,
Сурхондарё вилояти, Денов район
Охунбоев жамоа хўжалиги.

БИЗ Нуробод район, Ислом шоир номидаги 46-мактабда ишлаймиз. Ишга Каттакўрғон шаҳридан, олис-олис қишлоқлардан қатнаймиз. Аммо нарх-наволар ошиб кетганлиги туфайли автобусларда юриш баҳоси ҳам осмонга чиқиб кетди. Олаётган маошимиз асосан йўл қирага етиб-етмай қолаётир. Шунинг учун район халқ таълими ходимлари касабга уюшмасига мурожаат қилиш билан бизлар учун «йўл карточаси» берилишини сўрадик. Бирок, улардан садо чиқмади. Бизнингча, ҳозирги мураккаб даврни ҳисобга олиб, узокдан келувчилар учун имтиёзлар туғдириш вақти келди. Раҳбарларимиз шунни ўйлаб кўрса, ёмон бўлмас эди.

Н. СОБИРОВА,
ушбу хатга мазкур мактабнинг яна 12 ўқитувчиси имзо чеккан.

йўллар равон, озода, кўримли бўлса, келажак авлод учун ҳам керак-ку? Бу тўғрида биз оддий колхозчи, ногирон, кексаларнинг додига ким қулоқ солади?

И. НИШОНОВ,
С. МЕЛИЕВ,
Т. МАТКОСИМОВ,
К. БУРОНОВ,

Сирдарё вилояти, Гулистон район
К. Марке номли жамоа хўжалиги.

ган бўлиши зарур эмиш. Буни ҳам баъжарасан. Борганинда яна қайтаришарди, чунки шу иловани тасдиқловчи яна муҳр босилиши шарт. Бир маълумотномада икки-уч муҳр. Тавба, деб ёқа ушлайсан.

Бу тўғрида «Ишонч» ўз саҳифасида «Хусусийлаштириш: кимга фойда, кимга зиён» номли мақола билан вақтида ташвишли масала кўтарди. Дарҳақиқат, бундай сарсонгарчиликдан кимга фойда? Тор, икки одам ёнма-ён юрса аранг сиғадиган йўлакларни тўлдириб, тиқилишиб ўзаро тортишиб-уришиб, бир-бирларининг кўнглини хира қилиш даражасига бораётган аҳоли вакилларига, сизнинг ишингизни енгиллаштириб, хўжатларингизни расмийлаштириш учун маош олаётган ходимларга ёки ҳар бир кишидан югуртиргани учун қўшимча беш юз сўмдан ундирётган мазкур ташкилотгами? Бунинг тагига етолмай бошинг қотади. Худди шундай аҳволни ҳар бир уй-жой бошқар-

маси идорасида учратиш мумкин ҳозир. Мисол учун Тошкент шаҳар, Миробод район 31-уй-жой бошқармасини олиб кўринг. Уйини хусусийлаштиришга киришган шахс не азобда хўжатларини тўплаб келади, навбат кутиб, уни расмийлаштиради. Худди ўша кундан бошлаб эртага келинг, индинга келинг, дейишлар бошланади. Тоза қатнайсиз. Кейин маълум бўладики, паспортингизда қандайдир иллат бор экан. Паспорт столи эса душанба кунни соат 9 дан 13 гача, шанба кунни соат 15 дан 19 гача ишлайди, холос. Қабул кунни саҳарлабдан бориб, навбат рўйхатига ёзиласиз. Ишингиз битса-битди, битмаса яна уч-тўрт кун кутасиз, диққи-нафас бўласиз, ишдан қолганингиз учун хизмат жойингиздан дакки эшитасиз...

Наҳотки, шу хил сарсонгарчиликнинг олдини олишнинг ҳеч иложи бўлмасам?

А. ЖАМОЛОВ,
Тошкент шаҳар, Миробод райони.



Ох, кузги паллалар,
кузги паллалар...
Н. МУҲАММАДЖОНОВ
олган сурат.

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПСИН

СИРДАРЕДА фавқулодда ҳодиса юз берди. Вилоят прокуратурасининг кўпчилик ходимлари ўз бошлиқлари Саидамир Мухторовга ишончсизлик билдирдилар. Уларнинг республика прокурори Б. М. Мустафоев ва Сирдарё вилоят ҳоқими Б. М. Маҳмудов ўртоқлар номига йўллаган хатларида шундай дейилади,

— Сирдарё вилояти прокурори Саидамир Мухторович Мухторов вилоят прокурори бўлиб тайинланганидан буён ўз мансабини суиистеъмол қилиш билан шуғулланиб, қонунга номувофиқ равишда иш олиб бормоқда, таниш-билишлик йўлида иш тутиб, район, шаҳар прокурорларини тайинламоқда. Биз, вилоят прокуратураси жамоаси Мухторовга ишончсизлик билдириб, Сизлардан республика аҳамиятига молик комиссия жўнатишингизни ва вилоят прокурори ўз вазифасига нолийқ эканини текширтиришингизни сўраймиз. Барча далиллар комиссия аъзоларига бирмабир кўрсатилади. Сизлардан нажот кутиб, прокуратура бўлим бошлиқлари:

Э. Турсунқулов,
М. Маҳмудов, Э. Норбўтаев,
Р. Турдиев ва бошқалар.
Район-шаҳар прокурорлари:

А. Сафаров, Х. Мусаев,
М. Уртенов, А. Сулаймонов.

1992 йил 3 ноябрь
Ушбу ўта ташвишли хатга изоҳнинг ҳождати йўқ. Фақат бир истак бор: оқни оқ, қорани қора дейдиган нуфузли комиссия тезроқ иш бошлаб ўз хулосасини чиқарсаю, АДОЛАТ қарор топса...

С. СУЛТОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

АКС-САДО
САРСОНЛИК

АКС-САДО
САРСОНЛИК



Эшик ғийқиллаб очилиб, Саксонбоев кўлида жомадону ёнида суксурдай қиз билан кириб келди.

— Хо-о, Баҳри ая, қаёқдасиз?

Баҳри ая ипак қуртларига барг солаётган эди, меҳмонларга пешвоз чикди.

— Келинлар, келинлар!

— Хорманг ая, болалар омонми? Қуртларингиз-чи? Сигир-бузоқ-чи?

— Хаммаси яхши. Қани, Саксонбоев, уйга, чой тайёр! — деди Баҳри ая.

— Шошиб турибман, ая, иш кўп. Мана шу қизимиз... сизга! Тошкентдан, қишлоқ хўжалиги институтидан келган. Бўлажак пиллачи агроном! Биздан амалий иш ўргангани келдилар. Ҳмм. Сизда тажриба, бу кишида

ри ая суюниб қиз билан кўришди.

Саксонбоев кетгач, Баҳри ая бироз гарангсиди.

— Бўлмаса... Аллома қизим, мен... сигир соғай. Кейин биргалашиб чой ичамиз. Сиз анави ўнг қўлдаги уйга кириб, бемалол кийимларингизни алмаштириб олинг.

— Хўп! — Аллома жомадонини кўтариб, зипиллаб кириб кетди.

— Вой, чаққонгинаякан, кийимлари зўра! —

Ая повиллатиб сигир соғди. Аллома ичкаридан чиқиб, уни томоша қилди. Ая инқиллаб ўрнидан турди.

— Вой, силар сутни сигирдан ола-силами, биза магазиндан олардик, — деди Аллома.

— Хай, майли, қолганиям етар ширчойга, — деди. Қўлини ювиб қандкурс, нонларни олиб, ичкари кирди.

Алломахон иккита чойнак кўтариб кирди.

— Аяжон, биттасига сут, биттасига чой дамладим, — деди.

— Оббо агроном қизим-ей! — Баҳри ая кулиб юборди. — Сут дамладим, денг. Юринг, ширчой пиширишни ўргатиб қўя қолай.

Ая эринмай у билан бошлашиб ошхонага чикди.

Кечки пайт Баҳри ая қуртхонада куйманаётган эди. Кундузги уйқудан турган Алломахон кириб келди. «Ҳар ҳолда ўқимишли қиз, камчилигимни топса-я», деб ўйлади ая.

Алломахон қуртхонани айланиб, сўкичак устунлари ёнига қўйилган кичкина косачалардаги сувга кўзи тушди. Бу аслида қуртларни қумурсқадан асраш учун қўйилган эди.

— Ая!

— Ҳа, она қизим!

— Қуртлар шу косачалардан сув ичишадими?

Ая бирдан жим қолди.

— Ҳа, қизим, сув ичади қуртлар, — деди кулгидан ўзини зўрага тийиб. — Кундузи бағр ейишади, кечаси битта-битта сўридан тушиб, сув ичишади.

— Ростданми? Бу косачалар кирку, — деди Аллома, — сувиям тозаямас, чумолилар юриптими-ей. Қуртлар атравления бўб қолади-ю.

Баҳри ая энди хандон кулиб юборди. — Ҳа-я, қуртларим тагин инпикционный баннисага тушиб қолишмасин...

Алломанинг ўзиям кулиб юборди.


Баҳри ая енг учи билан мижжаларини артиб, қизнинг нозик елкаларига кўлини кўйди.

— Эй, қизим-ей, ўқишдан олдин уқиб олишингиз керак экан-ку.

Санъат МАҲМУДОВА.

олиб Холпарангни «Жигулис»ни тузатиб беришни бўйнига кўйибди. Холпаранг «одамгарчилик» қилиб секин «айб мендаям бор» дебди. ГАИчилар эшитмабди.

Урмон қоровули ўқитувчи қизига: «Ўқувчиларингизга майда ёзишни ўргат, қоғоз тежаллади. Қоғоз бу ўрмон, қизим!» — деди.



Ибрат деган бола Тухфат деган дўстига мактанди:

— Бизнинг уйда ҳамма музикачи: акам дугор чалади, укам гижак чалади, ойим пионино чалади, акам танбур чалади.

— Сен-чи? — деб сўради Тухфат.

— Мен машинанинг сигналинини чаламан, — деди Ибрат.

Ҳайдар МУҲАММАД.



АЛЛОМАХОННИНГ АЛОМАТ ҚИЛИҚЛАРИ

ҲАЖВИЯ



илм. Бирингиз устоз, бирингиз шогирд! Исмлари, — Саксонбоев қизга юзланди.

— Алломахон Тўйчиева! — деди қиз хиёл нозланиб.

— Ҳа, Алломахон Тўйчиева! Ҳмм, бу аянғиз ўттиз йилдан бери қурт туталла. Баҳри Каримова деса ҳамма билади. Бу йил мана ўғиллари армияда, қизлари эрга тегиб кетди. Ярим кутигина қурт олдила. Бўлмаса... ҳар йўли кругом қурт бўб кетарди... Хўш, дегандек, аяжон, Алломахон шўтта турса. Практика қилса. Бир ой! Майлими?

— Вой, майли. Бош устига! — Баҳ-

— Шунақами? — Баҳри ая илжайиб челакни узатди, — Ана, ошхона, она қизим, сутни сузиб, қозонда пиширинг. Ярмини ширчой, ярмини қатик қиламиз. Мен қуртларимдан хабар олай-а?

Аллома челакни олди. Кўпириб турган илиққина сут.

— Вой, ўзи пишган шекилли, — деб юборди.

— Яна пишира қолинг, болажоним! — ая парво қилмади.

Аллома оловни баланд қилиб юборди. Ҳадемай сут тошиб кетди.

— Вой, бу ғалати сут экану...

Баҳри ая келиб кўрди-ю тилини тийди.



МЕВАЛАРНИНГ ИККИ ЁҒИ ПИШСИН ДЕБ


Иккита бола арик бўйида, ариққа оёқларини осилтириб битта катта писта бошини олдиларига қўйиб, арини уясидан писта териб олаётгандай, биттадан олиб, чақшиб, ён-верига пўчоғини туфлаб ўтиришибди.

Биттаси иккинчисидан сўраб қолди:

— Қизик, кўёш нега бир ёқдан чиқиб, иккинчи ёққа ботади-а?

— Шуниям билмайсанми, каллаварам, ўқитувчимиз айтган, дарахтдаги меваларни икки ёғини пишириш учун-да, бўлмаса бир ёғи пишмай қолади.

— Вой, бизани ўқитувчимиз тогдаги қорнинг икки томонини эритиш учун деган эди, — деди хайрон бўлиб.



ХОЛПАРАНГНИНГ ҲИЙЛАСИ

Холпаранг «Жигули»сини ғизиллатиб кетаётганда хаёл суриб қизил чирокда ўтиб кетиб қолди. Нарёкда учиб келаётган «Волга» билан қўқишиб кетди. Машиналар пачоқланди-ю ҳайдовчиларга зарар етмади. Холпаранг дарров бегажнийдаги яримта ароғини олиб, битта пиёлага куйди ва «Волга» ҳайдовчисининг олдига борди. «Ака, бўлгани бўлди, мен ўзим тузатиб бераман, асабларни бошиш учун озгина отворинг, дебди. У киши соддарок экан, лаққа учиб, ке, нима бўлса, бўлди деб бир пиёлаи симирибди. Холпаранг ёлғондан бутилкани тушириб юбориб синдирибди. Бу орада ГАИ ҳам етиб келибди. Қараса «Волга»нинг шофёри маст. Уни ичганлиги учун гўла айбдор қилиб, праваларини

ўтирмай, — улар ҳақида фақат битта сатр: туғилган йили-ю ўлган вақтини ёзиш мумкин.

Бир куни мухбир олим Эдисондан:

— Ойла аъзоларингиз сизнинг ижодий ишингизда ёрдам беришадими? — деб сўради.

— Бўлмасам-чи, деб жавоб берди олим. — Масалан, миямда бир нарса яратиб фикри пайдо бўлди,

дейлик. Шу заҳотиёқ, мен оилада ишқал чиқариш пайига тушиб, ковоғимдан қор ёға бошлайди. Эшикни қарсиллатиб ёпганча хонамга камалиб оламан. Шундан кейин, ҳамма оёқ учиде жон ҳовучлаб юради. Оиламдаги худди мана шу сокинликда ўзимнинг ихтироларимни яратиб оламан.

Мурод ПАРПИХУЖАЕВ.

МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН ҲАНГОМАЛАР

Машҳур адиб Вольтер Скоттдан бир куни нима учун унинг асаридаги қахрамонлар ўтган асрларнинг ўта олижаноб ва ботир кишилари бўлишадими-ку, нега энди бойлик орттириш учун ҳеч нарсадан тоймайдиган замондошлари ҳақида романлар ёзмаслигини сўрашди.

— Узини бойликка урганларда таржимаи ҳол бўлмайди, — дея жавоб қайтарди ёзувчи уйлаб ҳам

УЙ ШАРОИТИДА ДОҒЛАРНИ КЕТКАЗИШ

ҚАҲВА ДОҒЛАРИ. Бундай доғларни аввал бензинда артиб, кейин сувда тенг ярим суюлтирилган новшадил спиртида ювиш тавсия қилинади. **ИПАКЛИ ГАЗЛАМАЛАРДАГИ** доғларни аввал ёнгилгина қиздирилган глицеринда артиш, 10—15 минутдан сўнг қайнатилган илиқ сувда ювиш тавсия қилинади.

ИП-ГАЗЛАМА ВА ЗИҒИР ТОЛАПИ ГАЗЛАМАЛАРДАГИ қаҳва доғларини 5 фоизли ош тузи эритмасида кетказилади. **ЖУН ГАЗЛАМАЛАРДАГИ** қаҳва доғига глицерин суртилади ва илиқ сувда ювилади. Сўнг нам ҳолдаги газламани астар тарафдан дазмолланади. **ЭСКИРГАН** доғларни эса 1 чой қошиқ глицерин, 1 чой қошиқ сув ва бир неча томчи новшадил спирти қўшилган эритмада ҳўллаб, сўнг иссиқ сувда ювилади.

ОҚ РАНГЛИ ГАЗЛАМАЛАРДАГИ доғларни, 10 фоизли водород пероксиди билан артиб кетказилади ёки вақтинча сутга ботириб қўйиб, сўнг ювиб ташланади.

ШОКОЛАД ДОҒИ. Доғни глицерин, тухум сариғи ва илиқ сув қоришмаси билан кетказилади. (1 чой қошиқ глицерин, 1 та тухум сариғи, 1 чой қошиқ сув) ҳаммаси яхшилаб қориштирилади ва ҳосил бўлган бўтқасимон қоришмани доғнинг устига суртилади. Қоришма қуригандан сўнг уни олиб ташланади. Доғ бўлган жойни илиқ сувда ювилади.

МУЗҚАЙМОҚ ДОҒИ. Доғларни аввал илиқ сувда ювилади, кейин унга крахмал сепилади. У қуригандан сўнг, чўткалаб тозаланади. Доғ изини нам салфетка билан артиш тавсия қилинади.

ҚАНД ДОҒИ. Доғ дарҳол ювилади, негаки унга чағ ўтирса, кетиши қийин бўлади. Агар доғ қолса, бу жойни тоза спирт билан артилади.

ЧОЙ ДОҒИ. Қайнаб турган тоза сувни, доғ устига оқизиб кетказилади. Бундай доғларни сув билан спирт (2 қисм сувга бир қисм спирт қўшилган) ёки глицерин билан новшадил спирт (тўрт қисм глицеринга бир қисм новшадил спирт аралаштирилган) эритма билан кетказиш мумкин.

ОЧ ТУСЛИ ГАЗЛАМАЛАРДАГИ доғларни қиздирилган глицерин билан кетказиш мумкин. Уни доғ устига суриб 10—15 дақиқадан кейин илиқ сувда ювилади ва матони сочиқ устида қуритилади.


ЭСКИ доғларни шавел кислотаси (ярим стакан сувга 1 чой қошиқ кислота қўшилган) эритмада 10—15 дақиқа ҳўллаб қўйиб, сўнг ювиб ташланади.

АСАЛ ДОҒИ. Бундай доғ озгина туз ва бир неча томчи новшадил спирт қўшилган сувда кетказилади. Тўқимачилик маҳсулотларидаги асал доғларини илтирилган ишқорий эритмада ювиб кетказиш мумкин. Агар **ОҚ МАТОНЛАРДАГИ** доғ изи қолса, уни водород пероксиди билан артиб кетказишни тавсия қиламиз.

СУТ ДОҒИ. Бундай доғлар сувунли илиқ сувда ювилади. **ИПАКЛИ ГАЗЛАМАЛАРДАГИ** катта бўлмаган доғларни тоза спирт билан кетказиш ҳам мумкин.

ҚОРА ТУСДАГИ ЖУНЛИ ГАЗЛАМАЛАРДАГИ доғларни сувда эриган ош тузи ва новшадил спирти (2—3 стакан сувга 3 чой қошиқ новшадил спирти ва 2 чой қошиқ ош тузи аралаштирилган) эритмада кетказилади. **ГАБАРДИНДАГИ** сут доғларини сувда 1:1 нисбатда эритилган скипидар ёки новшадил спиртида кетказиш мумкин.

Тузувчи: Маъмур АЛИЕВ.



16 ДУШАНБА

УзТВ I
18.00 Янгилар. 18.10 «Оқ бў-
талоқ». Мультифильм. 18.30 Бо-
лалар учун. «Эртақлар — яхши-
ликка етаклар». 19.00 «Ўзбекистон»
ахбороти (рус тилида). 19.20 «Анъаналар этаклари давом».
Муслиқ кўрсатуви. 20.00 «Еши-
лик» студияси кўрсатади. «Уч
сухбат». 20.30 «Ўзбекистон» ах-
бороти. 20.55 Тижорат хабар-
лари. 21.00 Мулоҳаза. «Маъму-
ра кампир». Абдор Ҳидоят
номи Ўзбек драма театрининг
спектакли. 22.15 «Уорлднет»
телекомпаниясининг янгилар
лари (АҚШ). 22.45 «Танҳо су-
зиш». Бадий фильм.

УзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ
18.30 «Ассалому алайкум».
19.30 Болалар учун. «Совга».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10
Ўзбекистон Республикаси Ички
ишлар вазирлиги матбуот мар-
кази хабар қилади. 20.25 «Билиб
қўйган яхши». 20.40 «Номлар —
маънавият белгиси». 21.10 «Ша-
ҳари юмушлари». 22.10 «Лаҳза».
Хабарлар. 22.20 «Олтин тиш».
Бадий фильм.

«ОРБИТА IV»
18.00 Янгилар (сурдо таржи-
маси билан). 18.20 «Икки кун-
лик». 19.00 Футбол шарҳи.
19.25 «Биринчи матбаачи Иоан-
нинг иختираси». Беш серияли
телевизион бадий фильм пре-
мьераси. 2-серия. 20.45
Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00
Янгилар. 21.25 «Спорт уикен-
ди». 21.40 «Турмуш кичир-
кирлари». Бадий телесериал
премьераси. 7-серия — «Қўр-
қув».

«Янги студия» таништи-
ради. 22.10 «Бомонд». 22.25 «Бироқ».
22.40 «Вазият». «Янги Югосла-
вия». 23.00 «Вагон-03». 23.40
«Биз». 23.50 «Евгеник ва...» Та-
наффус пайтида (24.00) — Янги-
лақлар. 00.40 «Мангу эр». Теле-
визион бадий фильм. 1 ва 2-се-
риялар.

«ДУБЛЬ IV»
18.00—20.40
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
20.40 Душанба кунини детектив.
«Кўш қопқон». Бадий фильм.
1-серия. 21.45 «Чакана киши
эмас». 22.00 Хабарлар. 22.25
«Кўш қопқон». Бадий фильм.
2-серия.

23.30—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
17 СЕШАНБА

УзТВ I
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Менга қарата олма от».
Телефильм. 8.00 «Кўринмас
одам». Бадий фильм. 9.30 Ўз-
бек тилини ўрганамиз. 10.00
«Асрлар оҳанги». Фильм-кон-
церт. 10.30 Уқув кўрсатуви.
Информатика. 11.00 «Дарах ва
унинг илдизлари». Телефильм.
11.30 Уқув кўрсатуви. Тасвирий
санъат.

18.00 Янгилар. 18.10 «Ква-
ш», «Эски сандиқ». Мульти-
фильмлар. 18.40 «Кичкинтой»
устахонасида. 19.00 «Ўзбекистон»
ахбороти (рус тилида).
19.20 «Спортлото». 19.25 «Куз
манзаралари». Телефильм.
19.40 «Сихат-саломатлик». 20.30
«Ўзбекистон» ахбороти. 20.55
Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳуку-
мат тadbирлари. 21.30 «Ҳор-
манг, бободехқонлар!» Пахта-
корлар учун дам олиш кўрса-
туви. 22.15 «Уорлднет» телеком-
паниясининг янгиларлари (АҚШ).
22.45 «Марду майдон». Бизнес-
шоу.

УзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ
18.30 Камер оркестри ижро эта-
ди. 19.10 «Салом, дўстим». 19.50
«Қизиқлари учрашувлари». 20.50
«Бу оқшомда» кўрсатуви саҳи-
фаларида. 22.00 Эълонлар. «Ки-
ноингоҳ».

«ОРБИТА IV»
6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки
гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00
Янгилар. 9.20 «Бойлар ҳам йн-
глайди». Кўп серияли телевизион
бадий фильм премьераси.
10.05 Футбол шарҳи. 10.35
«Брэй-ринг». 11.25 «Турмуш
кичир-кичирлари». Бадий теле-
сериал. 7-серия — «Қўрқув».
12.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс:
12.00 «Умрбод эр». Телевизион
бадий фильм. 1-серия. 13.40
«Инкироз». Телевизион бадий
фильм (Венгрия).
15.00 Янгилар (сурдо таржи-
маси билан). 15.25 Ишбилармон-
лар хабарномаси. 15.40 «Ен даф-
тар». 15.45 «Нуррафшон кун» ан-
самбли туруҳининг чиқиши (Аш-

габат шаҳри). 16.00 «Майя ари-
си». Кўп серияли мультифильм.
16.50 «Байкалда куз». Теле-
фильм. 17.00 «Бизнинг муслиқ
клуб». Истеъодлар ва мухлис-
лар. 18.00 Янгилар (сурдо таржи-
маси билан). 18.25 Давлат-
лараро «Останкино» телеканили
таништиради. 19.00 «Бойлар ҳам
йглайди». Кўп серияли телевизи-
он бадий фильм премьераси. 4-серия.
22.30 Владимир Молчановнинг
«Хотира» кўрсатуви. 23.50 «Ра-
монак» фольклор триоси куй-
лайди (Минск). 24.00 Янгилар.
24.00 «Труба» радиоси.
01.10 «Цунами». Телефильм.
02.10 «Мурсалари тўғри кел-
мади». Телевизион бадий
фильм.

«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
8.00 Хабарлар. 8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар да-
ври. 8.55 «Асил ҳолича». 9.50
Параллеллар. «Қалбдан қалба». 10.05
«Янги ном». Алексей Шага-
нов. 10.20 Маърифат самараси.
«Карповкада». 11.05 Мульти-
пульт. 11.15 Кундузги сеанс.
«Санта-Барбара». Кўп серияли
бадий телефильм. 100-серия.
12.05 Мульти-пульт. 12.15
«Монстр». Хужжатли телесе-
риал. 2-фильм — «Иосиф Ста-
линнинг махфий полицияси».
13.05 «Холвани ҳоким ейди...»
14.00 Очқидун. «Уммон. Афсо-
налар ва оддий кўнлар». 14.30
Телевизион ахборот тижорат
кўрсатуви. 14.35 «Дехқонларга
тааллуқли масала».

15.55 «Бизнес: янги номлар».
16.10 «Сочи. Кузги мавсум».
16.40 «Смирновлар оиласи. Бун-
дан буён қандай яшаш керак?».
Австрия телефильмининг муҳо-
камаси. 16.55 Янгилар. 17.10
Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
17.55 Эълонлар.

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
22.00 Хабарлар. 22.25 «Холвани
ҳоким ейди...» 23.20 «Асил ҳоли-
ча». С. Бабурич «Республика»
матбуот марказида. 00.15 Санъат
майдони. «Муслиқ ҳада». 00.45
«Тухфа учун соло».

18 ЧОРШАНБА

УзТВ I
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Учрашув». Телефильм.
8.15 «Отпуская чиколмадик».
Бадий фильм. 9.30 Турк тили.
10.00 Болалар учун. «Митти юл-
дузлар». 10.30 Уқув кўрсатуви.
Ботаника. Сув ўтлари ва улар-
нинг аҳамияти.

18.00 Янгилар. 18.10 «Жасур
болаклар», «Чурек ва кичкин-
той». Мультифильмлар. 18.30
«Ешилик» студияси кўрсатади.
«Меҳр». 19.00 «Ўзбекистон» ах-
бороти (рус тилида). 19.20
«Санъат олами». Халқ амалий
санъати. 19.50 «Гилон». Теле-
фильм. 20.00 «Ҳожинақбар Ҳа-
мидов куйлайди». Фильм-концерт.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари. 21.00
Ўзбекистон Республикаси Кон-
ституцияси лойиҳаси — умум-
халқ муҳокамасида. 21.30 «Ол-
тин бешик». Андижон вилояти-
дан кўрсатуви. 22.40 «Уорлднет»
телекомпаниясининг янгилар-
лари (АҚШ). 23.10 «Қадимги
шўхликлар». Бадий фильм.

УзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ
18.30 «Уолт Дисней таништи-
ради...». Мультифильмлар тў-
плами. 19.20 «Спринг». 19.40
«Билим сарчамалари». 20.10
«Шарқ лирикиси». 20.35 «Меҳр-
шафқатли бўлайлик». 21.15 Су-
перспорт. 22.00 «Бузоқ йили».
Бадий фильм.

«ОРБИТА IV»
6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки
гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00
Янгилар. 9.20 «Бойлар ҳам йн-
глайди». Кўп серияли телевизион
бадий фильм премьераси.
10.50 «Симҳа» яхуди муслиқ
ансамблининг концерти. 11.20
«...16 ёшга ва ундан катталар».
12.00 Янгилар.
Кундузги киноэкспресс:
12.00 «Катталар ўзи галатида».
Телевизион бадий фильм. 13.35
«Коленьолик паршонхотир».
Телевизион бадий фильм (Ита-
лия).
15.00 Янгилар (сурдо таржи-
маси билан). 15.25 «Телемист».
16.10 «Ен дафтар». 16.15 «Майя
ариси». Кўп серияли мульти-
фильм. 17.05 «Кўлаб муслиқ-
лар». Рок-сабоқ кўрсатуви га-
нлова. 17.50 «Матбуот-экс-
пресс». 18.00 Янгилар (сурдо тар-
жимаси билан). 18.25 Давлат-

лараро «Останкино» телеканили
таништиради. 19.00 «Бойлар ҳам
йглайди». Кўп серияли телевизи-
он бадий фильм премьераси.
19.45 «Театр + ТВ». 20.45 Хайр-
ли тун, кичкинтойлар! 21.00
Янгилар. 21.25 «Биринчи
матбаачи Иоаннинг иختираси».
Беш серияли телевизион бадий
фильм премьераси. 4-серия.
22.30 Владимир Молчановнинг
«Хотира» кўрсатуви. 23.50 «Ра-
монак» фольклор триоси куй-
лайди (Минск). 24.00 Янгилар.
24.00 «Труба» радиоси.
01.10 «Цунами». Телефильм.
02.10 «Мурсалари тўғри кел-
мади». Телевизион бадий
фильм.

«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
8.00 Хабарлар. 8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар да-
ври. 8.55 «Асил ҳолича». 9.50
Параллеллар. «Қалбдан қалба». 10.05
«Янги ном». Алексей Шага-
нов. 10.20 Маърифат самараси.
«Карповкада». 11.05 Мульти-
пульт. 11.15 Кундузги сеанс.
«Санта-Барбара». Кўп серияли
бадий телефильм. 100-серия.
12.05 Мульти-пульт. 12.15
«Монстр». Хужжатли телесе-
риал. 2-фильм — «Иосиф Ста-
линнинг махфий полицияси».
13.05 «Холвани ҳоким ейди...»
14.00 Очқидун. «Уммон. Афсо-
налар ва оддий кўнлар». 14.30
Телевизион ахборот тижорат
кўрсатуви. 14.35 «Дехқонларга
тааллуқли масала».

15.55 «Бизнес: янги номлар».
16.10 «Сочи. Кузги мавсум».
16.40 «Смирновлар оиласи. Бун-
дан буён қандай яшаш керак?».
Австрия телефильмининг муҳо-
камаси. 16.55 Янгилар. 17.10
Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
17.55 Эълонлар.

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
22.00 Хабарлар. 22.25 Криминал
хабарлар экранни. 22.35 «Монстр».
Хужжатли телесериал пре-
мьераси. 3-фильм — «Сталин: онг
ва қалб устидан назорат». 23.25
Телекроссворд. «Муз-биржа».
Видеофильмлар танлови. 23.55
Россия Федерацияси Олий Ке-
нгашининг сессиясида. 00.25 «Эк-
зотика».

19 ПАЙШАНБА

УзТВ I
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Толибқон Бадинов куйлай-
ди. 8.40 «Ишдаги ишқ жоғаро-
си». Бадий фильм. 1-серия.
10.05 Араб тили. 10.35 Уқув кўр-
сатуви. Ҳамид Олимжон лири-
каси. 11.05 «Утов». Телефильм.
11.25 Уқув кўрсатуви. Табиат-
шунослик. Сув — ҳаёт манбаи.
12.00 Ўзбекистон Давлат теле-
радиокомпанияси хор жамоаси-
нинг концерти.

18.00 Янгилар. 18.10 «Дан-
гаса қиз». Мультифильм. 18.20
Болалар учун. «Санъат ғунча-
лари». 19.00 «Ўзбекистон» ах-
бороти (рус тилида). 19.20 «Қишда
ҳам ёз неъматлари». 19.50
«Туй». Адабий кўрсатуви. 20.30
«Ўзбекистон» ахбороти. 20.55
Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳуку-
мат тadbирлари. 21.30 «Мерос».
Мақом тарихидан. 22.10 «Уорлд-
нет» телекомпаниясининг янги-
ларлари (АҚШ). 22.40 «Бобби».
Бадий фильм. 1-серия (Хиндис-
тон).

УзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Устахона». 19.45 «Ранг-
баранг шишалар». Телефильм.
20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10
«Бу оқшомда». 21.20 «Пульс».
Хабарлар. 21.30 Эълонлар.
«Киноингоҳ».

«ОРБИТА IV»
6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки
гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00
Янгилар. 9.20 «Бойлар ҳам йн-
глайди». Кўп серияли телевизион
бадий фильм премьераси.
10.50 «Симҳа» яхуди муслиқ
ансамблининг концерти. 11.20
«...16 ёшга ва ундан катталар».
12.00 Янгилар.
Кундузги киноэкспресс:
12.00 «Катталар ўзи галатида».
Телевизион бадий фильм. 13.35
«Коленьолик паршонхотир».
Телевизион бадий фильм (Ита-
лия).
15.00 Янгилар (сурдо таржи-
маси билан). 15.25 «Телемист».
16.10 «Ен дафтар». 16.15 «Майя
ариси». Кўп серияли мульти-
фильм. 17.05 «Кўлаб муслиқ-
лар». Рок-сабоқ кўрсатуви га-
нлова. 17.50 «Матбуот-экс-
пресс». 18.00 Янгилар (сурдо тар-
жимаси билан). 18.25 Давлат-

лараро «Останкино» телеканили
таништиради. 19.00 «Бойлар ҳам
йглайди». Кўп серияли телевизи-
он бадий фильм премьераси.
19.45 «Театр + ТВ». 20.45 Хайр-
ли тун, кичкинтойлар! 21.00
Янгилар. 21.25 «Биринчи
матбаачи Иоаннинг иختираси».
Беш серияли телевизион бадий
фильм премьераси. 4-серия.
22.30 Владимир Молчановнинг
«Хотира» кўрсатуви. 23.50 «Ра-
монак» фольклор триоси куй-
лайди (Минск). 24.00 Янгилар.
24.00 «Труба» радиоси.
01.10 «Цунами». Телефильм.
02.10 «Мурсалари тўғри кел-
мади». Телевизион бадий
фильм.

лотусский олиб боради. 13.40
Телевизион ахборот тижорат
кўрсатуви. 13.45 «Дехқонларга
тааллуқли масала».

15.55 Телебиржа. 16.25 «Рост»
студияси. «Ун беш ёшли капи-
тан». 16.55 Янгилар. 17.10
Вариацияли мавзу. 17.55 Эълон-
лар.

18.00—19.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
19.10 Жума кунлари Уолт Дис-
ней. «Еввойи Джек». Бадий
фильм. 3-серия. 20.00 Мульти-
пульт.

20.10—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
22.00 Хабарлар. 22.25 «Сафсата-
лар». 22.55 «Ердаги излар». Ба-
дий фильм.

21 ШАНБА

УзТВ I
7.00 «Ассалому алайкум». 8.00
«Саъхатлар эртаги». Болалар
учун фильм. 9.40 Спорт кўрса-
туви: Чим устида хоккей. Ўзбе-
кистон кубоги. 10.10 «Трактор-
созлар ҳузурда». Тошкент
Трактор заводининг 50 йиллиги-
га. 10.40 УзТВ фондидан. Ҳамза
Ҳакимзода Ниёзий. «Паранжи
сирлари». Абдор Ҳидоят номи
Ўзбек драма театрининг
спектакли. 12.40 «Алифбо са-
боқлари». 13.10 «Замандаш» (ю-
зоқ тилида). 14.10 «Тошкент»
студияси кўрсатади: «Менинг
маҳаллам». 15.10 Тижорат кана-
ли. «Саноатимиз одимлари».

18.00 «Жасур чўпон бола».
Мультифильм. 18.15 Усмирлар
учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўз-
бекистон» ахбороти (рус тили-
да). 19.20 «Аралаш». Ҳажвий
киножурнал. 19.50 «Малайзия
киносанъати». Ўзбекистонда
Малайзия киноси ҳафталиги
яқунларига бағишланади. 20.30
«Туркистон» ахбороти. 21.00
«Марҳаб, талантлар!» Ўзбеки-
стон Республикаси бадий ҳа-
вадорлик жамоаларининг теле-
визион фестивали. Наманган ви-
лояти. 22.30 «Беором кун».
Бадий фильм. 00.10 «Эртанги
кўрсатулар тартиби».

УзТВ II
БИШКЕК КўРСАТАДИ
«ОРБИТА IV»
6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55
Ишбилармон кишининг шанба
тонги. 7.55 Янгилар. 8.30
Спорт-инжоният. 9.00 «Мара-
фон-15 — кичкинтойларга».
«Бамси». Кўп серияли мульти-
фильм премьераси. (Швеция).
9.25 Экология шарҳ. 9.40 «НУЖ»
эълон қилинмаган таширф.
10.10 «Шанба кунги дасат». 10.40
«Технодром». 10.50 «Тиб-
биёт сиз учун». 11.30 «Муҳофаза
ёрлиги». 12.00 «Дело». 12.10
«Палитра». Қадимий Россия дав-
лати. 12.40 Едда қолган фильм-
лар. «Биринчи муҳаббат ҳақида
қисса». 14.20 «Сибсат» студияси
иктисодчи М. Фридман шитиро-
кида АҚШнинг «Танлаш эркин-
лиги» телекўрсатувини таниш-
тиради. 1-кўрсатуви — «Бозор
ҳокимияти». 14.50 «Матбуот-
экспресс». 15.00 Янгилар. 15.20
«Чегарасиз шахматлар». 16.35
«Фитна. Жон Кеннеди ўли-
мининг сирини». Телефильмининг
премьераси. 17.20 «Ҳайвонот
оламидан». 18.10 «Қизил квад-
рат». 18.50 «Дракулито — ва-
мпирча». Кўп серияли мульти-
фильм премьераси (Франция).
19.15 А. Миндадзе ва В. Абдра-
шитов фильмлари. «Поезд тўх-
тади». 20.45 Хайрли тун, кич-
кинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25
«Брэй-ринг». 22.15
«Буржлар» туркумидан кўрса-
тув. 23.45 «Уста». Телефильм.
24.00 Янгилар. 00.40 Тунги
канал.

«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
8.00 Хабарлар. 8.20 Мульти-
пульт. 8.30 Ярославда кўнги-
рок оҳанглари фестивали. 9.00
«Дилкаш суҳбатлар». 1-кўрса-
тув. 9.30 «03» кўрсатуви. 10.00
«Плюс ун бир» видеоканали.
11.15 Кундузги сеанс. «Фин-
нист — сарлочин». Бадий
фильм.

12.30—15.00
ЎЗБЕКISTON
ТЕЛЕВИДИЕНИСИНING
«ДУСЛИК»
ВИДЕОКАНАЛИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.00—18.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.30 «Уй жиҳозлардаги пей-
аж». Бадий фильм.
20.30—00.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
00.15 Тунги сеанс. «Профессор
Доуэли васияти». Бадий фильм.

«ОРБИТА IV»
6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки
гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00
Янгилар. 9.20 «Бойлар ҳам йн-
глайди». Кўп серияли телевизион
бадий фильм премьераси.
10.50 «Симҳа» яхуди муслиқ
ансамблининг концерти. 11.20
«...16 ёшга ва ундан катталар».
12.00 Янгилар.
Кундузги киноэкспресс:
12.00 «Катталар ўзи галатида».
Телевизион бадий фильм. 13.35
«Коленьолик паршонхотир».
Телевизион бадий фильм (Ита-
лия).
15.00 Янгилар (сурдо таржи-
маси билан). 15.25 «Телемист».
16.10 «Ен дафтар». 16.15 «Майя
ариси». Кўп серияли мульти-
фильм. 17.05 «Кўлаб муслиқ-
лар». Рок-сабоқ кўрсатуви га-
нлова. 17.50 «Матбуот-экс-
пресс». 18.00 Янгилар (сурдо тар-
жимаси билан). 18.25 Давлат-

лараро «Останкино» телеканили
таништиради. 19.00 «Бойлар ҳам
йглайди». Кўп серияли телевизи-
он бадий фильм премьераси.
19.45 «Театр + ТВ». 20.45 Хайр-
ли тун, кичкинтойлар! 21.00
Янгилар. 21.25 «Биринчи
матбаачи Иоаннинг иختираси».
Беш серияли телевизион бадий
фильм премьераси. 4-серия.
22.30 Владимир Молчановнинг
«Хотира» кўрсатуви. 23.50 «Ра-
монак» фольклор триоси куй-
лайди (Минск). 24.00 Янгилар.
24.00 «Труба» радиоси.
01.10 «Цунами». Телефильм.
02.10 «Мурсалари тўғри кел-
мади». Телевизион бадий
фильм.


«ОРБИТА IV»
6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки
гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00
Янгилар. 9.20 «Бойлар ҳам йн-
глайди». Кўп серияли телевизион
бадий фильм премьераси.
10.50 «Симҳа» яхуди муслиқ
ансамблининг концерти. 11.20
«...16 ёшга ва ундан катталар».
12.00 Янгилар.
Кундузги киноэкспресс:
12.00 «Катталар ўзи галатида».
Телевизион бадий фильм. 13.35
«Коленьолик паршонхотир».
Телевизион бадий фильм (Ита-
лия).
15.00 Янгилар (сурдо таржи-
маси билан). 15.25 «Телемист».
16.10 «Ен дафтар». 16.15 «Майя
ариси». Кўп серияли мульти-
фильм. 17.05 «Кўлаб муслиқ-
лар». Рок-сабоқ кўрсатуви га-
нлова. 17.50 «Матбуот-экс-
пресс». 18.00 Янгилар (сурдо тар-
жимаси билан). 18.25 Давлат-

22 ЯКШАНБА

УзТВ I
7.00 «Рақсларда умр баҳори».
Ўзбекистон хлқ артисти Қиз-
лархон Дўсмуҳамедова. 8.00
«Туркистон» ахбороти. 8.30 «Бе-
тайин кишилар». Бадий фильм.
10.00 «Ўзбекистон спорти».
10.30 «Каттақўрғон лавҳалари».
Адабий кўрсатуви. 11.05 Мактаб
ўқувчилари учун. «Қувноқ старт-
лар». 11.55 «Ҳан ва дехқончи-
лик». 12.25 «Дўстлик» студияси
кўрсатади. «Ягона оилада».
12.55 «Бунёдкор». 13.25 «Юкс-
лаш йўлида». Самарқанд муз-
латкичлар тайёрлаш корхонаси
ҳақида. 13.45 «Ешилик» студияси
кўрсатади. «Иқбол». Қашқадарё
вилояти, Шаҳрисабз тумани қиз-
ларининг баҳси.

18.00 Болалар учун. «Кичкин-
той» студияси кўрсатади. 19.00
«Ўзбекистон» ахбороти (рус тили-
да). 19.20 Катталар учун
мультифильмлар. 19.45 «Оламга
саъхат». Киноқўрсатуви. 20.30
«Ўзбекистон» ахбороти. 21.00
Дилрабо концерт. 21.30 «Келин-
лар кўзғолони». Ўзбекистон
халқ артисти Зайнаб Садриева
хотирасига бағишланади. 23.20
Эртанги кўрсатулар тартиби.

УзТВ II
БИШКЕК КўРСАТАДИ
«ОРБИТА IV»
6.25 «Рухни чиқариш». 7.25



ЕТТИ ҮЛИБ, ОЛТИ ТИРИЛГАН ЖИРЖИС ПАЙҒАМБАР

«ҚИСАСУЛ анбиё»да тилга олинган Жиржис пайғамбар ҳикоясини эшитганмисиз? Бўлмаса — эшитинг. Фаластин элидан чиққан бу ялавоч (яъни — худонинг элчиси) савдо-сотик билан шуғулланарди. У Шом вилоятига келди-ю, бу ернинг халқидан: «Подшоҳинглар қалай, адолатлими?» — деб сўради. Одамлар: «Йўқ, у золим, бунинг устига кофир, бутга топинади», дейишди. Шунда Жиржис алайҳиссалом подшоҳга аталган совға-саломини камбағалларга улашиб юборди. Бунинг эшитган подшоҳ — унинг исми Додбона эди, ғазабланиб: «Бу йўлдан,

Шунда душманлар Жиржис алайҳиссаломни қилич билан чопиб ҳалок қилдилар, ўзлари ҳам осмондан тушган ўт-оловда ёниб битдилар.

Ҳа, тарихда ўз эътиқоди, дину имони йўлида минг ўлиб, минг тирилганлар ўтган. Бўлмаса, бу ривоят қаёқдан айтилари?

ТО ҚИЁМАТГАЧА ТИРИК ИЛЁС ПАЙҒАМБАР

РОВИЙЛАР андоғ ривоят қиладиларки, Азроил Илёс пайғамбарнинг жонини олгани келганда у қаттиқ фарёд солиб йиғлади. Азроил унга: «Эй Илёс, сен тангрининг олдига бораяпсан-ку, нега йиғлайсан?» — деди. Унга жавобан Илёс: «Тоатибодатдан маҳрум қоламан-да, деб

ларни ҳам бўйсундирган, от миниш ҳам Сулаймондан қолган эди.

Ана шундай олий мақом ва олий шон подшо бир кунни ўз қўшини билан бир мамлакатга юриш қилди. Унинг сонсиз-саноксиз аскарлари бир дарёнинг қуруқ ўзанидан юриб ўтиб боришарди. Уша ўзанда чумолилар макони бор эди. Уларнинг бир оқсоқ подшоси бор эди, исми Миндир эди. У ўз фуқароларига: «Эй чумолилар, қочинглар, уйларингизга кириңглар! Сулаймон қўшини сизларни босиб ҳалок қилмасин!» — деб, нидо қилди. Жами ҳайвоноту парранда, қурту қумурсқаларнинг тилини билган Сулаймон бу сўзни эшитиб кулди ва: «Эй чумоли, ўз фуқароларингни нега қочирдинг?» — деди. Шунда чумолилар подшоси: «Сен подшо бўлсанг, мен ҳам подшоман. Оллоҳ-таоло менга қирқ қават ер, мулк берди. Ҳар қаватда қирқ минг қўшим бор. Яратган изн берса ер юзида бирорта душманни қўймағаймиз», — деди. «Ундай бўлса, қўшинларингни нега қочирдинг?» — деб сўради Сулаймон. «Сенинг аскарларинг билмасдан босиб олишса бекорга ҳалок бўлмасин деб қочирдим», — деб жавоб қилди чумолилар подшоси. «Ундай бўлса, ўзинг нега қочмадинг?» — деб сўради Сулаймон. «Бутун дунёнинг билими фақат менда деб ўйлайсанми?» — деди унга жавобан Чумолилар подшоси. — Энди рухсат берсанг, сендан бири неча савол сўрайин». «Сўра», — деди Сулаймон. «Яратгандан нима тиладинг?» — деб сўради Миндир. «Шундай мулк тиладимки, мендан бошқада бўлмасин», — деди Сулаймон. «Бу сўздан ҳасад иси келади: Демакки, менга бўлсин у бошқаларга бўлмасин, дейсан-да?» — деди Чумолилар подшоси. — Яна нима тиладинг?». «Елни тиладим», — деди Сулаймон, — мана, елни миниб бир ойлик масофага бир кунда етиб бораман», — деди Сулаймон. «Бундан шу хулоса чиқадики, — деди Чумоли, — сенинг мулкингни жами елдан иборат экан. Уни мингунча маърифат уловини минганингда кўз очиб-юмганингча арши аълога етардинг. Яна нима тиладинг?». «Фил суягидан тахт ато қилди», — деди Сулаймон. «Нима, сенга бу бепоеън ер кифоя қилмади-ми?» — деди Чумоли. Кейин яна сўради: «Тагин нима берди?». «Учар қушларга ҳукм қилди, бошим устида соя солиб туришади», — деди Сулаймон. «Нима, юксак осмоннинг кўланкаси камлик қилдими?» — деди Чумоли. — Яна нима берди?». «Бир узук берди. Жами маҳлуқот у орқали менга бўйсунди», — деб жавоб қилди Сулаймон. «Демак, оллоҳ сенга ер юзини бериб, унинг қиймати бир тош эканлигини ҳам кўрсатиб қўйибди-да, деди Чумоли. — Сен бу мулкинг билан қувонма, бир кун келиб кўлингдан кетади. Ҳақиқий мулк — абадийликдир».

Сулаймон бу оддий қумурсқа — чумолининг сўзларини эшитиб лол қолди. Ҳа, оддий меҳнаткаш билган улғу ҳақиқатни билиш ҳар қандай ҳукмдорга насиб этавермайди!

Мухтор ХУДОЙҚУЛ ўғли
ЖАЛОЙИРИЙ.



Бош муҳаррир

Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Анвар АҚБАРОВ, Акмал АКРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Жасур НОСИРОВ, Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Мухайё ТУЛАГАНОВА, Шабот ХУЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ, Турсун ҚУШАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА.



- Бош муҳаррир қабул-хонаси — 56-25-36
- Бош муҳаррир муовини — 56-52-89
- Масъул котиб — 56-52-78
- Котибиёт — 56-87-59

БҮЛИМЛАР

- Касаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт ва вилоятлараро муҳбирлар билан ишлаш — 56-82-79
- Хатлар, оммавий ишлар, тижорат, ҳамкорлик ва тadbirkorlik — 56-87-78; 56-87-73.
- Маънавият, маданият ва табиат — 56-87-83.
- Безатиш ва сураткашлик — 56-87-74.

- Ишлаб чиқариш, хўжалик ва ноширлик — 56-55-85.

ВИЛОЯТЛАРАРО МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

- Андижонда — 5-32-24;
- Гулистонда — 2-10-02;
- Жиззахда — 2-39-54;
- Наманганда — 6-22-10;
- Нукусда — 4-19-97;
- Самарқандда — 35-63-64;
- Термизда — 2-70-07;
- Тошкентда — 56-87-59;
- Урганчада — 6-87-82;
- Фарғонада — 4-47-73;
- Қаршида — 5-33-71.

● Мухарририятга келган кўл-ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайдн, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

● «Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январь кунн Узбекистон Республикаси матбуот давлат кўмитасида рўйхатга олинган ва унга 000068 сонли гувоҳнома берилган.



СОТУВДАГИ НАРХИ 3 СУМ.

- ДУШАНБА кунлари чиқади.
- Босишга 13 ноябрда топширилди.
- Навбатчи масъуллар: Акмал Акромов, Санъат Маҳмудова.
- МАНЗИЛИМИЗ: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» газетаси кўчаси, 24 -уй.
- Буортма Г-4и1
- 101210 нусхада босилди
- Узбекистон Республикаси «Шарк» нашриёти-матбаачилик концернининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Ривоятлар ва Ҳикоятлар

дину имонингдан қайт, бўлмаса сени азоблаб ўлдираман!» — деди. Аммо Жиржис алайҳиссалом ўз тангрисидан, имону эътиқодидан қайтмади. Подшо жаллодларига буюрди, уни ушлаб, оёғидан осдилар, подшоҳ унга таадди қилиб: «Йўлингдан қайтасанми, йўқми?» — деди, Жиржис алайҳиссалом қайтмади. Уни бўғизлаб, осиб қўйдилар. Аммо оллоҳ-таоланинг буйруғи билан Жиржис алайҳиссалом қайта тирилди. Бундан хангу манг бўлган Додбона уни чуқур зиндонга солиб, зиндон эшигига катта тош бостириб қўйди. Жиржис алайҳиссалом бу зиндонда етти йил ётди, уни бу ерда очликдан ва сувсизликдан ўлдирдилар, аммо табаррук ялавоч яна тирилди. Бунинг кўрган подшоҳ ҳайрон бўлиб, уни ўз ҳузурига чорлади ва гўё меҳмон қилган бўлиб, оғу солинган шарбат ичирди. Жиржис пайғамбар бунинг оғулигини билса ҳам кўрқмасдан ичиб юборди ва:

«Алҳамду-лиллоҳ, сувсаган эдим, қондим», — деди. У бу сафар ҳам қайта тирилди. Жаҳли чиққан золим подшоҳ уни ўткир пичоқ билан порадора қилди, аммо Жиржис алайҳиссалом яна тирилди. Ундан сўнг оғзига кўрғошин қўйдилар, пайғамбар яна тирилди. Қонхўр подшоҳ уни яна боғлаб, тўрт томондан ўққа тутди, териси, суягини бирма-бир янчди. Аммо Жиржис пайғамбар яна тирилди. Барибир ўз тангрисидан, динидан, имон-эътиқодидан қайтмади. Охирида кофирлар уни яна тутиб, ўлдирмоқчи бўлганларида Жиржис пайғамбар яратганга илтижо қилиб: «Ё зулжалоли валикром, ўз фазлинг бирла менга раҳмат қилғил. Бу кофирларни азобинг бирла ҳалок қилғил. Мени ҳам энди бошқа тирилтирмағил», — деди.


йиғлаяпман», — деди. Яратганга бу хабар етиб борди — Илёс деган пайғамбар ўз жони учун эмас, тоат учун йиғламоқда. Шунда Азроилга буйруқ бўлдики: Қўй, унинг жонини олма, орқага қайт, биз унга узун ёш ато қилдик», — деган.

Шундай қилиб, Илёс пайғамбар то қиёматгача тирик экан. У — қиссада ёзилишича — саҳроларда йўлдан адашганларга йўл кўрсатиб юрар экан.

Эй, азиз Илёс алайҳиссалом, Сизга ҳавасим келади...

СУЛАЙМОН БИЛАН ЧУМОЛИ МУСОҲАБАСИ

НАҚЛ қиладиларки, Сулаймон ибн Довуд алайҳиссалом тангрининг инояти билан ер юзида ягона подшо бўлди. Унга тенгсиз мулк ва бекиёс куч-қудрат ато қилинди, дунёдаги барча одамлару барча ҳайвонот — тўрт оёқлию қурт-қумурсқа, ҳатто денгиздаги баликлар ҳам унга қарам бўлдию Бундан ташқари, жами инсу жинс, деву парилар унинг фармонида бўлди. Сулаймон алайҳиссаломнинг тахти узра жами парранда йиғилиб, соя қилиб турарди. Ҳаттоки ел ҳам унинг амру фармонида бўлиб, унинг тахтини кўтариб, неча ойлик масофага бир кеча-кундузда етказиб қўяр эди. Сулаймон алайҳиссалом тоғда юрар бўлса, унинг бағридаги олтину қумуш — барча қимматбаҳо маъданлар «мен бу ердаман, керак бўлса олгин», деб туришарди. Ҳа, Сулаймон ана шундай улғу ва қудратли подшо эди. У биринчи бўлиб от деган жонивор-



Утмиш ва келажак учрашганда...